

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ  
ҲУЗУРИДАГИ ЕР ҚАЪРИНИ ГЕОЛОГИК ЎРГАНИШ, САНОАТДА,  
КОНЧИЛИКДА ВА КОММУНАЛ-МАИШИЙ СЕКТОРДА ИШЛАРНИНГ  
БЕХАТАР ОЛИБ БОРИЛИШИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ДАВЛАТ  
ИНСПЕКЦИЯСИ БОШЛИФИНИНГ  
БҮЙРУГИ

**236 Нефть базалари, турғун, контейнерли ва кўчма автотранспортни шохобчаларидан фойдаланишда хавфсизлик қоидаларини тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил  
14 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2583*

Ўзбекистон Республикасининг «Мехнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»-ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 12 июлдаги 267-сонли «Мехнатни муҳофаза қилишга доир меъёрий хужжатларни қайта кўриб чиқиш ва ишлаб чиқиш тўғрисида»ги ва 2010 йил 20 июлдаги 153-сонли «Мехнатни муҳофаза қилиш бўйича норматив-хукукий базани янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларига асосан **буюраман:**

1. Нефть базалари, турғун, контейнерли ва кўчма автоёқилғи қўйиш шохобчаларидан фойдаланишда хавфсизлик қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Бошлиқ**

**Б. ГУЛЯМОВ**

Тошкент ш.,  
2014 йил 16 апрель,  
60-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини  
геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва  
коммунал-маший секторда ишларнинг  
бехатар олиб борилишини назорат қилиш  
Давлат инспекцияси бошлигининг 2014 йил  
16 апрелдаги 60-сон бўйруғига  
ИЛОВА

**Нефть базалари, тургун, контейнерли ва кўчма автоёқилги  
куйиш шохобчаларидан фойдаланишда хавфсизлик  
ҚОИДАЛАРИ**

Мазкур Коидалар Ўзбекистон Республикасининг «Мехнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 12 июлдаги 267-сонли «Мехнатни муҳофаза қилишга доир меъёрий ҳужжатларни қайта қўриб чиқиш ва ишлаб чиқиш тўғрисида»ги ҳамда 2010 йил 20 июлдаги 153-сонли «Мехнатни муҳофаза қилиш бўйича норматив-хуқуқий базани янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ нефть базалари, тургун, контейнерли ва кўчма автоёқилги қуийиш шохобчаларидан фойдаланишда хавфсизлик қоидаларини белгилайди.

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Коидаларда қуидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:  
**нефть базалари** — нефть маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш ва тарқатишини таъминловчи ёнгин ва портлаш хавфи мавжуд бўлган обьект;

**тургун автоёқилги қуийиш шохобчаси** — транспорт воситаларига фақат суюқ мотор ёқилғиси (бензин ва дизель)ни қуийишга мўлжалланган ва ер ости резервуарлари ва ёқилғи-таксимловчи колонкалар билан жихозланган автоёқилги қуийиш шохобчаси;

**контейнерли автоёқилги қуийиш шохобчаси** — транспорт воситаларига фақат суюқ мотор ёқилғиси (бензин ва дизель)ни қуийишга мўлжалланган автоёқилги қуийиш шохобчаси;

**кўчма автоёқилги қуийиш шохобчаси** — фақат суюқ мотор ёқилғиси (бензин ва дизель)ни чакана усулда сотишга мўлжалланган шохобча.

2. Мазкур Коидалар нефть базаларига, тургун, контейнерли ва кўчма автоёқилги қуийиш шохобчаларига (бундан буён матнда ташкилот деб юритилади) нисбатан татбиқ этилади.

3. Мазкур Коидалар талаблари ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотларини лойиҳалаш, қуриш ва қайта қуришда, технологик жараёнларни ва цехларни техник жихозлаш ва қайта жихозлашда ҳамда ускуналардан фойдаланишда ҳисобга олиниши лозим.

4. Мазкур Коидалар техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талаблари бажарилиши шартлигини истисно этмайди.

## 2-боб. Хавфсизликка қўйиладиган умумий талаблар

### 1-§. Мехнатни муҳофаза қилиш хизматини ташкил этиш

5. Ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш борасидаги ишларни ташкил қилиш Меҳнат муҳофазаси бўйича ишларни ташкил этиш тўғрисидаги намунавий низомга (рўйхат рақами 273, 1996 йил 14 август) мувофиқ амалга оширилади.

6. Ташкилотларда қўйидаги асосий ҳужжатлар ишлаб чиқилиши ва тасдиқланishi лозим:

меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини яхшилаш, санитария-соғломлаштириш бўйича қоидаларни ўз ичига олган жамоа шартномаси;

тасдиқланган меҳнат шароитларини баҳолаш ва иш ўринларини аттестация қилиш услугига мувофиқ иш ўринларини аттестация қилиш карталари;

меҳнатни муҳофаза қилиш хизматининг чораклик иш режалари;

ходимлар ва муҳандис-техник ходимларни ўқитиш, йўл-йўриқ бериш ва билимларини синовдан ўтказиш дастурлари;

меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича назорат юритиш журнали (уч боскичли назорат);

ходимларга ёнфинга қарши йўл-йўриқ бериш ва ёнгин-техникавий минимум машғулотларини ўтказиш дастури;

хар бир касб ва иш турлари учун меҳнат муҳофazаси бўйича йўрикномалар.

7. «Мехнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг 14-моддасига мувофиқ, ходимлар сони 50 нафар ва ундан ортиқ бўлган ташкилотларда маҳсус тайёргарликка эга шахслар орасидан меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари тузилади (лавозимлар жорий этилади), 50 ва ундан зиёд транспорт воситаларига эга бўлган ташкилотларда эса бундан ташқари йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматлари тузилади (лавозимлар жорий этилади). Ходимлар сони ва транспорт воситалари миқдори камроқ ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш хизматининг вазифаларини бажариш раҳбарлардан бирининг зиммасига юклатилади.

8. Мехнатни муҳофаза қилиш хизмати ўз мақомига кўра ташкилотнинг асосий хизматларига тенглаштирилади ва унинг раҳбарига бўйсунади ҳамда ташкилотнинг фаолияти тутатилган тақдирда бекор қилинади.

9. Мехнатни муҳофаза қилиш хизматининг мутахассислари лавозим йўрикномасига биноан уларнинг мажбуриятлари жумласига киритилмаган бошқа ишларни бажаришга жалб қилиниши мумкин эмас.

10. Ташкилотларда меҳнат фаолияти билан боғлик равишида содир бўлган баҳтсиз ҳодисалар ва бошқа жароҳатланишларни текшириш ва ҳисобини юритиш Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 июнданги 286-сонли қарори билан тасдиқланган Ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил заарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилиши лозим.

**2-§. Ходимларни ўқитиш, уларнинг билимларини синовдан ўтказиш ва уларга йўл-йўриқ беришни ташкил этиш**

11. Ходимлар ўз касблари ва иш турлари бўйича белгиланган тартибда ўқишилари, уларнинг билимлари синовдан ўтказилиши ва уларга йўл-йўриқ берилиши керак.

12. Ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича билимларини синовдан ўтказиши Мехнат муҳофазаси бўйича ўқишиларни ташкил қилиш ва билимларни синаш тўғрисидаги намунавий низомга (рўйхат рақами 272, 1996 йил 14 август) мувофиқ амалга оширилади.

13. Ҳар бир касб ва иш турлари учун меҳнат муҳофазаси бўйича йўриқномалар Мехнат муҳофазаси бўйича йўриқномаларни ишлаб чиқиши тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 870, 2000 йил 7 январь) мувофиқ ишлаб чиқилади ҳамда ташкилот ходимларини ва иш жойларини ушбу йўриқномалар билан таъминлаш ташкилот раҳбарияти зиммасига юклатилади.

**3-§. Хавфли ва заарли ишлаб чиқариш омиллари**

14. Ташкилотлар ГОСТ 17.2.3.02-78 «Табиатни муҳофаза қилиш. Атмосфера. Саноат корхоналари заарли моддаларининг йўл қўйиладиган чиқаришларини ўрнатиш қоидалари» бўйича хавфли ва заарли ишлаб чиқариш омиллари, уларнинг тавсифи, юзага келиш манбалари, ходимларга таъсир қилиш хусусиятлари ва саломатлик учун хавфлилилк даражаси ва келгусидаги оқибатлари тўғрисида тўлиқ ва холисона маълумотга эга бўлиши лозим.

15. Иш жойларидаги ишлаб чиқариш муҳити ҳамда хавфли ва заарли ишлаб чиқариш омиллари тўғрисидаги маълумотлар ишлаб чиқариш муҳитининг физик, кимёвий, радиологик, микробиологик ва микроиқлим ўлчови натижалари, шунингдек меҳнат шароитларини аттестация қилиш орқали белгиланиши керак.

16. Янги заарли моддалар пайдо бўлишига ёки хавфли ва заарли ишлаб чиқариш омиллари йўқолишига олиб келадиган технологик жараёнлар ўзгарганда, хавфли ва заарли ишлаб чиқариш омиллари тўғрисидаги маълумотларга ташкилот раҳбари томонидан тегишли ўзгартиришлар киритилиши лозим.

**4-§. Ўта хавфли касблар ва ишлар рўйхати**

17. Ташкилотлар ўта хавфли касблар ва ишлар рўйхатига эга бўлиши лозим.

18. Лавозим йўриқномаларига мувофиқ, хавфли моддалар билан бажариладиган ишларни, баландликда, ифлосланган ҳаво ва сув муҳитида, юқори ҳарорат ва намлик шароитида бажариладиган ишларни, буғ ва сув иситиш

қозонлари, юк кўтариш механизмлари, босим остида ишлайдиган сифимлар, электр қурилмаларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ ишларни ҳамда тегишли тармоқ тариф-малака маълумотномасига мувофиқ бошқа хавфли ишларни бажаришни назарда тутувчи касблар ўта хавфли касблар рўйхатига, мазкур вазифаларни бир марталик топширик асосида бажарилишини назарда тутувчи ишлар ўта хавфли ишлар рўйхатига киритилиши зарур.

19. Ўта хавфли ишларни бажариш фақат белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳужжат (наряд-рухсатнома)га мувофиқ амалга оширилиши лозим.

20. Барча ходимлар ўта хавфли ишларни бажариш топширигини олишдан олдин, меҳнат муҳофазаси бўйича йўл-йўриқ олишлари ва ишларни хавфсиз бажариш усулларини ўзлаштиришлари шарт.

21. Ўта хавфли ишларни режалаштириш, ташкиллаштириш ва хавфсиз бажариш белгиланган талабларга мувофиқ амалга оширилиши учун ташкилот раҳбарияти жавобгардир.

### **5-§. Жамоавий ва якка тартибда ҳимояланиш воситаларини қўллаш**

22. Ходимлар хавфли ва заарли ишлаб чиқариш омилларидан жамоавий ва якка тартибдаги ҳимоя воситалари билан ҳимояланган бўлиши лозим.

23. Жамоавий ҳимоя воситалари хавфли ва заарли ишлаб чиқариш омиллари ишлаб чиқариш хоналари ва иш жойларидаги барча ходимларга таъсир қилган тақдирда қўлланилиши зарур ҳамда ташкилот биноларини куриш ёки реконструкция қилиш лойиҳаларига киритилиши шарт.

24. Жамоавий ҳимоя воситаларига қўйидагилар киради:

ишлаб чиқариш хоналари ва иш жойларининг ҳаво мухитини нормаллаштириш воситалари (шамоллатиш ва ҳаво тозалаш, иситиш, ҳаво ҳарорати ва намлигини бир хил меъёрда сақлаш ва бошқалар);

ишлаб чиқариш хоналари ва иш жойларининг ёруғлигини нормаллаштириш воситалари (ёритиш асбоблари, ёруғликдан ҳимоя қилиш мосламалари ва бошқалар);

шовқиндан, тебранишдан, электр ва статик токлар уришидан ҳамда қурилмалар юзасини юқори даражадаги ҳароратдан ҳимоя қилиш воситалари;

механик ва кимёвий омилларнинг таъсиридан ҳимоя қилиш воситалари.

25. Ходимлар Нефть ва газ ишлаб чиқариш корхоналари ходимлари учун маҳсус кийим, маҳсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларини бепул беришнинг намунавий меъёрларига (рўйхат раками 2132, 2010 йил 13 август) мувофиқ маҳсус кийим, маҳсус пойабзал ва бошқа якка тартибдаги ҳимояланиш воситалари билан таъминланиши лозим.

26. Якка тартибдаги ҳимоя воситаларидан фойдаланадиган ходимлар уларни қўллаш, ҳимоя хусусиятлари ва амал қилиш муддати тўғрисидаги маълумотларга эга бўлиши керак.

27. Ташкилотда қўйидагилар таъминланиши шарт:

жамоавий ва якка тартибдаги ҳимоя воситаларининг самарадорлиги ва созлиги;

якка тартибдаги ҳимоя воситаларининг зарур микдори ва номенклатураси;

якка тартибдаги ҳимоя воситаларини қўллаш ва улардан тўғри фойдаланиш устидан доимий назоратни амалга ошириш;

хавфли ва заҳарли моддалар билан ишлашда фойдаланилган якка тартибдаги ҳимоя воситаларини дезинфекция қилиш, бир марта қўлланиладиган воситалар бундан мустасно.

28. Заҳарли моддалар билан ишлашда тери касалликларининг олдини олиш учун профилактик паста ва мазлардан фойдаланиш зарур.

## **6-§. Касбий танлов**

29. Ташкилотларда танлов ўтказилиши лозим бўлган касблар ва мутахассисликлар рўйхати бўлиши лозим.

30. Ходимлар ва ишлаб чиқариш участкаларининг раҳбарлари тегишли тармоқ тариф-малака маълумотномасига мувофиқ зарур маълумотга ва иш тажрибасига эга бўлиши керак.

31. Босим остида ва бошқа ўта хавфли ишларда ишловчи ходимлар махсус курсларда тайёргарликдан ўтганилигини тасдиқловчи хужжатга эга бўлиши шарт.

32. Ўн саккиз ёшдан кичик шахсларнинг меҳнати қўлланиши тақиқланадиган ноқулай меҳнат шароитлари ишлари рўйхатига (рўйхат рақами 1990, 2009 йил 29 июль) мувофиқ, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар заарли ва ноқулай меҳнат шароити мавжуд бўлган ишларга қабул қилинmasлиги лозим.

33. Аёллар меҳнатидан фойдаланиш тўлиқ ёки қисман тақиқланадиган меҳнат шароити ноқулай бўлган ишлар рўйхатига (рўйхат рақами 865, 2000 йил 5 январь) мувофиқ, аёллар заарли ва ноқулай меҳнат шароити мавжуд бўлган ишларга қабул қилинmasлиги керак.

## **7-§. Ходимларни ишлаб чиқариш жараёнида қатнашишга қўйиш шарт-шароитлари**

34. Ходимларни ишлаб чиқариш жараёнида қатнашишга қўйиш олдиндан қўйидагилар текширилиши зарур:

иш жойининг мазкур Коидаларда белгиланган санитария ва гигиена, хавфсизлик талабларига, шунингдек шовқин ва тебранишга, шамоллатиш ва иситишига қўйиладиган талабларга мувофиқлиги;

ходимнинг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича билимларини синовдан ўтказиш, унга йўл-йўриқ бериш ва саломатлигини назорат қилиш даврийлигига амал қилинганлиги;

технologik жараёнларда иштирок этувчи асбоб-ускуналар ва уларнинг ҳимоя воситалари созлиги;

жамоавий ҳимоя воситаларининг созлиги, ходимнинг якка тартибдаги ҳимоя воситаларига эгалиги.

### **8-§. Ходимларнинг саломатлигини назорат қилиш**

35. Ташкилотларда ходимларнинг саломатлигини назорат қилиш Ходимларни тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 2387, 2012 йил 29 август) асосида амалга оширилиши лозим.

36. Ташкилот раҳбарияти касаба уюшмаси қўмитаси ва соғлиқни сақлаш муассасаси билан биргаликда ҳар йили даврий тиббий кўрикдан ўтиши лозим бўлган ходимларнинг рўйхатини тузиши ҳамда ходимларнинг тиббий кўрикдан ўтишини таъминлаши зарур.

37. Тиббий кўриклар ташкилотга тиббиёт хизмати кўрсатувчи даволаш-профилактика муассасалари томонидан, агар улар бўлмаган тақдирда ташкилот жойлашган жойдаги худудий даволаш-профилактика муассасаси томонидан ўтказилади.

38. Тиббий кўрикдан ўтишдан ёки тиббий комиссияларнинг текширувичарлар натижасида берган тавсияларини бажаришдан бўйин товлаган ходимларни иш берувчи ишга қўймасликка ҳақлидир.

39. Ташкилот раҳбарияти ўз ходимларнинг мажбурий тиббий кўрикдан ўз вақтида ўтиши учун ва мажбурий тиббий кўрикдан ўтмаган шахсларни ишга қўйиш натижасида фуқароларнинг соғлиғига етказилган заарали оқибатлар учун жавобгар бўладилар.

40. Ходимларни соғлиғининг ҳолати туфайли уларга рухсат этилмаган ишларга қўйиш тақиқланади.

### **9-§. Санитария ва гигиенага қўйиладиган талаблар**

41. Ташкилот иш худудидаги ҳавонинг ҳарорати, нисбий намлиги ва ҳаракатланиш тезлиги ГОСТ 12.1.005-88 «Иш худудининг ҳавоси. Умумий санитария-гигиеник талаблари»га мувофиқ бўлиши керак.

42. Ташкилотнинг ишлаб чиқариш хоналари қуидаги талабларга мувофиқ сақланиши лозим:

ҳавонинг ҳарорати, нисбий намлиги ва ҳаракатланиш тезлиги иш жойларидаги ортиқча иссиқлик, бажарилаётган ишнинг оғирлик даражасига кўра тоифаси ва йил мавсумини ҳисобга олган ҳолда белгиланиши;

ишлаб чиқариш, санитария-маиший, хом ашё ва тайёр маҳсулотни сақлаш хоналарининг ёруғлиги ҚМҚ 3.01.05-98 «Табиий ва сунъий ёритиш. Лойиҳалаштириш меъёрлари»га мувофиқ бўлиши ҳамда меҳнат шароитларини яратиш учун етарли ёруғлик кучини таъминлаши;

ёритиш асбоблари чанг тўпланишига имконият бермайдиган конструкцияга эга бўлиши, шунингдек синган тақдирда унинг парчалари сочилиб кетмаслиги учун ёпиқ бўлиши.

43. Нокулай омиллар таъсирига қарши ҳимоя тадбирларини амалга

оширишда самарали хаво алмашинуви тизимини ҚМҚ 2.04.05-97 «Иситиш, вентиляция ва кондиционерлаш» талабларига мувофиқ ташкил қилиш лозим.

44. Ишлаб чиқариш, санитария-маиший, хом ашё ва тайёр маҳсулотни сақлаш хоналарини гигиеник жиҳатдан тоза сақлаш ва ходимларнинг шахсий гигиенасига қўйиладиган талаблар тегишли норматив ҳужжатларда белгиланган қоидаларга мувофиқ бўлиши лозим.

### **10-§. Ташкилот майдонларига қўйиладиган хавфсизлик талаблари**

45. Ташкилот майдонлари ва биноларининг жойлашуви ҚМҚ II 89-80 «Саноат ташкилотларининг бош плани» талабларига мос бўлиши керак.

46. Ташкилотда транспорт воситалари ва пиёдаларнинг ташкилот ҳудудида ҳаракатланиш чизмаси ишлаб чиқилган ва тасдиқланган бўлиши ҳамда ташкилотга кириш ва чиқиш жойлари ҳамда иш жойларининг кўринарли кисмига осиб қўйилиши зарур.

47. Ташкилот майдонлари кўкаlamзорлаштирилган ва сув қўйиш қувурлари тармоқлари билан таъминланган бўлиши лозим. Майдонлардаги ўтиш жойлари мустаҳкам ёпқичлар, сув оқиб кетадиган иншоотлар билан жиҳозланган бўлиши керак.

48. Ёзги мавсумда йўлаклар ва ўтиш жойларига сув сепилган бўлиши керак.

49. Қишки мавсумда йўлаклар ва ўтиш жойлари қордан тозаланиб, қум сепилган ҳамда биноларнинг томлари қордан, карниزلари эса муздан тозалаб турилиши зарур.

50. Йўловчилар учун мўлжалланган йўлаклар ва ташкилотга кириш жойи текис, кенглиги камида 1,5 м бўлиб, ён томонлари деворча ва тўсиқларга эга бўлиши керак.

51. Ташкилот ҳудудида ҳар куни тозалаб ва дезинфекция қилиб туриладиган ахлат ташланадиган идишлар бўлиши шарт.

52. Ташкилотнинг ҳудуди чегара бўйлаб тўсилган ва унинг ҳудудига бегоналарнинг кириши чекланган ва назорат остига олинган бўлиши лозим.

### **11-§. Бино ва иншоотларга қўйиладиган хавфсизлик талаблари**

53. Ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотлари ҚМҚ 2.09.02-85 «Ишлаб чиқариш бинолари» талабларига, ёрдамчи бинолар ва хоналар ҚМҚ 2.09.04-98 «Ташкилотларнинг маъмурий ва майший бинолари» талабларига мувофиқ бўлиши лозим.

54. Ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотлари ҳамда ёрдамчи бинолар ва хоналардаги ҳавонинг ҳарорати, нисбий намлиги ва ҳаракатланиш тезлиги ГОСТ 12.1.005-88 «Иш ҳудудининг ҳавоси. Умумий санитария-гигиеник талаблари»га мувофиқ бўлиши керак.

55. Мунтазам ишлашга мўлжалланган хоналарнинг полларига ёғоч тўшамалар ва панжаралар ётқизилган бўлиши, мазкур пол тўшамалари зарарли моддалар, ишлаб чиқаришдаги кирлар ва чанглардан енгил тозаланган бўлиши зарур.

56. Бинонинг транспорт воситалари кириш жойларида дарвозалар ва сигнал асбоб-ускуналари ўрнатилган бўлиши лозим.

57. Дарвоза тавақалари дарвозанинг ёпиқ ва очиқ ҳолатида маҳсус мосламалар билан мустаҳкам тутиб турйлган бўлиши керак.

58. Транспорт воситаларининг бинога кириши учун дарвоза эни фойдаланилаётган транспорт воситалари энидан ортиқ бўлиши, дарвозаларнинг баландлиги транспорт воситаларининг баландлигидан камида 0,2 м ортиқ бўлиши зарур.

59. Ташкилотларда бинолар ва иншоотлардан фойдаланиш ҳолатини мунтазам кузатиш ташкил этилган бўлиши керак.

60. Барча ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотлари бир йилда камида икки марта (баҳорги ва кузги мавсумда) ташкилот раҳбари тайинлаган комиссия томонидан техник кўрикдан ўтказилиши лозим. Техник кўрик хуласалари аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича тадбирлар ва уларни амалга ошириш муддатлари кўрсатилган далолатномалар билан расмийлаштирилиши зарур.

61. Ходимлар учун хавф туғдирувчи ҳалокат тусидаги бузилишлар тезда бартараф этилиши керак. Бунда хавфли худудлардаги иш жараёни ҳалокат бартараф этилгунга қадар тўхтатиб турилиши ва у ердаги ходимлар хавфсиз жойга кўчирилиши керак.

62. Ташкилотнинг ишлаб чиқариш хоналари ва омборхоналари ёнгиндан хабар берувчи ва ёнгинни бартараф этувчи автоматик қурилмалар билан жихозланган бўлиши лозим.

63. Кириш ва чиқиш йўллари турли жисмлар ва асбоб-ускуналар билан тўсиб қўйилмаслиги керак. Эвакуация чиқиш йўлларининг барча эшиклари бинодан чиқиш йўналиши бўйича очилиши зарур.

## 12-§. Шовқин ва тебранишга қўйиладиган талаблар

64. Иш жойларида, хоналарда ва ташкилот ҳудудида шовқин ва тебранишнинг даражаси СанҚвам 0120-01 «Иш жойларида шовқиннинг йўл қўйилган даражасининг санитария меъёрлари», СанҚвам 0122-01 «Иш жойларида умумий ва локал тебранишнинг санитария меъёрлари», ГОСТ 12.1.003-89 «Шовқин. Умумий хавфсизлик талаблари» ва ГОСТ 12.1.012-90 «Тебранма. Умумий хавфсизлик талаблари»га мувофиқ бўлиши керак.

65. Иш жойларида шовқин ва тебраниш даражаси мунтазам назорат қилиб турилиши керак. Агарда у белгиланган меъёрлардан юкори бўлса, уни пасайтириш учун қўйидаги тадбирлар қўлланиши лозим:

деталларнинг зарбали ҳаракатларини зарбасиз ҳаракатларга, илгарила-ма-қайтма ҳаракатларни айланма ҳаракатларга ўзгариши;

шовқин чиқарувчи агрегат ёки унинг айрим қисмларига шовқинни тўсувчи қобиклар ўрнатиш;

агрегатдан чиқаётган аэродинамик шовқинларга қарши самарали товуш сўндиригичлар қўллаш;

шовқинли ускуналарни (парраклар, компрессор) тўсилган хоналарда ёки ишлаб чиқариш хоналаридан ташқарига жойлаштириш;

тебраниш манбаларини (электр двигателлар, парраклар ва бошқалар) полдан ва бинонинг бошқа конструкцияларидан изоляцияланган мустақил пойдеворларда ёки маҳсус хисоблаб чиқилган амортизаторларга ўрнатиш.

66. Шовқинни техник воситалар билан бартараф этиш имкони бўлмаса, эшитиш аъзоларини якка тартибдаги ҳимоя воситалари ва шовқинга қарши каскалардан фойдаланган ҳолда ҳимоялаш керак.

### **13-§. Шамоллатиш ва иситиш тизимиға қўйиладиган талаблар**

67. Шамоллатиш ва иситиш тизими КМҚ 2.04.05-97 «Иситиш, шамоллатиш ва кондиционерлаш» талабларига мувофиқ бўлиши лозим.

68. Оқимли шамоллатишларни ташки ҳаво тизимидан олиш ердан камида 2 м баландликда бажарилиши керак.

69. Ўтиш жойларида жойлашган иситиш жиҳозлари ўтиш ўйлакларининг кенглигига қўйилган талабларни бузмаслиги зарур.

70. Иш жойларидаги ҳаво ҳарорати енгил жисмоний ишда  $21^{\circ}\text{C}$ , ўртача оғир ишда  $17^{\circ}\text{C}$  ва оғир ишда  $16^{\circ}\text{C}$  дан паст бўлмаслиги керак.

71. Ходимларнинг исиниши учун мўлжалланган хоналардаги ҳаво ҳарорати  $22^{\circ}\text{C}$  дан кам бўлмаслиги керак.

72. Ходимларнинг исиниши учун мўлжалланган хоналаргача бўлган масофа биноларда жойлашган иш жойларидан 75 м дан ва бино ташқарисидаги иш жойларидан 150 м дан кўп бўлмаслиги керак.

### **14-§. Сув таъминоти ва канализация тизимиға қўйиладиган талаблар**

73. Сув таъминоти ва канализация тизими КМҚ 2.04.01-98 «Биноларнинг ички сув қувури ва канализацияси» талабига мос келиши зарур.

74. Ичимлик суви O'zDSt 950-2011 «Ичимлик суви. Гигиеник талаблар ва сифатини назорат қилиш» талабларига мувофиқ бўлиши, унинг ҳарорати  $8^{\circ}\text{C}$  дан  $20^{\circ}\text{C}$  гача бўлиши керак.

75. Ичимлик сувидан фойдаланиш учун сув қувурига уланган фавворачалар ўрнатилиши ёки маҳсус идишларда қайнатилган сув бўлиши лозим.

### **15-§. Ёритишга қўйиладиган талаблар**

76. Ташкилот ҳудуди ва ишлаб чиқариш хоналарини табиий ва сунъий

ёритиш ҚМҚ 2.01.05-98 «Табиий ва сунъий ёритиш» талабларига мувофиқ бўлиши лозим.

77. Ёритиш воситалари тоза ва соз холатда бўлиши зарур. Ёруғлик тушувчи ойналар ҳар йили камида икки маротаба тозаланиши лозим.

78. Ёруғлик тушувчи ойна ва эшиклар турли буюмлар билан тўсиб қўйил-маслиги керак.

79. Сунъий ёритиш умумий ва бирлашган тизим орқали амалга оширилиши зарур. Биргина маҳаллий ёритишни қўллаш тақиқланади.

80. Ташкилот худуди ва ишлаб чиқариш хоналарида ёритиш воситаларининг кўзни қамаштиришидан сақлаш чоралари кўрилган бўлиши керак.

81. Иш жойлари ва хоналарда портлаш хавфи бўлган газ ва чанг концентрацияси йиғилиб қолиш эҳтимоли мавжуд бўлса, электр ёритиш тизими хонадан ташқарида ўрнатилиши керак.

82. Хавфлилик даражаси юқори бўлган хоналарда кучланиши 36 V дан юқори бўлмаган кўчма электр ёритқичлар ишлатилиши керак. Ускуналар ва иншоотлар (бункерлар, қудуқлар, буғлантириш камералари, туннеллар ва бошқалар)нинг ички сиртини ёритиш учун ишлатиладиган кўчма электр ёритқичларнинг кучланиши 12 V дан ошмаслиги керак.

83. Кўчириб юрилувчи ёритқичлар шишили химоя қопқоқлари ва металл тўр билан жихозланган бўлиши лозим. Ушбу ёритқичлар ва бошқа кўчириб юрилувчи аппаратлар учун мис толали эгилувчан электр ўтказгичлар қўлланилиши зарур.

84. Эвакуация йўлаклари ва зинапояларда авария ёритқичлари бўлиши керак.

85. Авария ёритқичлари бошқа ёритқичлардан тури, ўлчами ва маҳсус тушнилган белгилари билан ажралиб туриши ва вақти-вақти билан чангдан тозалаб турилиши лозим.

86. Авария ёритиш тармоқларига электр энергия истеъмолчиларининг уланиши тақиқланади. Авария ёритилишларининг созлиги ҳар чорақда камида бир марта текширилиши зарур.

### **16-§. Майший иморатларга қўйиладиган талаблар**

87. Ташкилотларнинг майший бино ва хоналари ШНҚ 2.09.04-09 «Ташкилотларнинг маъмурий ва майший бинолари» талабларига мувофиқ бўлиши лозим.

88. Кийим алмаштириш хоналари, душхоналарнинг ўлчамлари, душ сеткалари, оёқ ванналари, бет-қўл ювгичлар, ичимлик суви таъминоти қурилмалари, хожатхоналар ва бошқа майший хона ва жихозларнинг сони сменадаги энг кўп ходимлар сони хисобга олинган ҳолда белгиланиши зарур.

89. Душхоналар ва хожатхоналардаги тарновлар, каналлар, траплар, писсуарлар ва унитазлар мунтазам равишда тозаланиши, ювилиши ва дезинфекция килиниши лозим.

90. Барча майший иморатлар озода сақланиши, мунтазам дезинфекция килиниши ва сутканинг қоронғи пайтида ёритилган бўлиши керак.

### **17-§. Атроф табиий мухитни муҳофаза қилишга қўйиладиган талаблар**

91. Ташкилот фаолияти атроф табиий мухитнинг (хаво, тупрок, сув ҳавзалари) ифлосланишига ва заарли омилларнинг тегишли нормалардан ортиқ даражада тарқалишига олиб келмаслиги лозим.

92. Ташкилотларда ишлаб чиқариш жараёнларини амалга оширишда атроф табиий мухитни оқова сувлар, шамоллатиш тизими чиқиндилари ва бошқа чиқиндилар билан ифлосланиши эҳтимолини истисно этадиган шароитлар таъминланиши лозим.

93. Ташкилотларда чиқиндиларни йиғиши учун атрофи ўралган маҳсус жой ажратилиши ва чиқиндилар учун маҳсус идишлар билан таъминланиши керак. Ушбу идишлар чиқиндилар бўшатилганда хлорли оҳак эритмаси билан дезинфекция қилиниши ва ювилиши керак.

### **18-§. Мехнат ва дам олишга қўйиладиган талаблар**

94. Ходимларнинг иш вақти, шу жумладан кисқартирилган иш вақти, дам олиш ва танаффуслар вақти ташкилот томонидан меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувоғик белгиланади.

#### **3-боб. Ишлаб чиқариш жараёнларига қўйиладиган хавфсизлик талаблари**

##### **1-§. Умумий талаблар**

95. Ишлаб чиқариш жараёнларида хавфсизликни таъминлашда:

нефть маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш, тарқатиш ва унинг ҳисобини олиб боришда мос бўлган технологик жараёнларни қўллаш; шикастланиш ва касб касалликларига олиб келмайдиган ишлаб чиқариш ускуналарини қўллаш;

ташкилот ҳудудини ободонлаштириш;

назорат-ўлчов асбобларини, аварияларга карши ҳимоя қурилмаларини ҳамда ахборотни қабул қилиш, қайта ишлаш ва узатиш воситаларини қўллаш;

тезкор ва герметик ишлайдиган беркитувчи ва тартибловчи арматураларни ҳамда хавфли ва заарли ишлаб чиқариш омилларини чегараловчи воситаларни қўллаш;

ишлаб чиқариш ускуналарини қулай жойлаштириш ва иш жойларини ташкил қилиш;

ходимларни касбига кўра танлаш, уларни ўқитиш, меҳнат муҳофазасига доир билим ва малакаларини текшириш;

ходимларни жамоавий ва якка тартибда ҳимояланиш воситалари билан таъминлаш;

портлашнинг олдини олиш ва ёнфиндан ҳимояланишга доир техник ва ташкилий тадбирларни амалга ошириш зарур.

96. Ишлаб чиқаришда газ хавфи бор ишларни бажариш факат белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳужжат (наряд-рухсатнома)га мувофиқ амалга оширилиши лозим.

97. Нефть маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш ва тарқатишдаги жараёнларда ёнгин ва портлаш хавфи бор мухитнинг рухсат этилган чегараси хақида хабар берувчи ва қурилмани хавфсиз тарзда тўхтатиб қўядиган ёки жараённи хавфсиз ҳолатга ўтказадиган автоматик ҳимоя тизими режалаштирилиши лозим.

## **2-§. Темир йўл эстакадаларидаги қуишиш-тўкиш ишларини бажаришга қўйиладиган хавфсизлик талаблари**

98. Темир йўл эстакадасида қуишиш-тўкиш ишлари ўтказилаётганда факат учқун ҳосил қилмайдиган асбоб-ускуналарни ишлатиш лозим.

99. Нефть маҳсулотларини ортиш ёки тушириш учун келтирилаётган темир йўл вагон-цистерналар маҳсус композицион тормоз колодкалари билан жиҳозланиши керак.

Нефть маҳсулотини қуишиш пайтида темир йўл вагон-цистерналарининг тошиб кетишига йўл қўймаслик зарур.

100. Нефть маҳсулотларини темир йўл вагон-цистерналарига қуишиш-тўкишда уларни темир йўл омборлари, турғун иншоотлар, асосий (магистрал) йўллар, юк ортиш-тушириш умумий жойлари ҳамда турар жойлардан камида 100 м нарига жойлаштириш зарурлигини инобатга олиш шарт.

Темир йўл вагон-цистерналарига тез алангаланадиган суюқликларни қуишида уни бир маромдаги оқим билан цистерна ичидағи суюқликнинг сатҳидан пастга қуишиш зарур.

Нефть ва нефть маҳсулотларини эркин тушириб (оқизиб) қуиши мумкин эмас. Қуиши мосламасининг учи вагон-цистернанинг тубидан 20 см баландликда ўрнатилиши керак.

101. Авария вазиятларида носоз темир йўл вагон-цистерналарни нефть маҳсулотларидан бўшатиш учун маҳсус жиҳозланган жой ажратилиши лозим. Авария шароитлари асосланган ҳамда қуишиш-тўкиш эстакадаси маҳсус воситалар билан жиҳозланган бўлса, носоз темир йўл вагон-цистерналардаги нефть маҳсулотларини бевосита эстакаданинг ўзида бўшатишга рухсат этилади.

102. Дренаж идишида тўпланган ифлос нефть маҳсулотларини ажратувчи идиш резервуарларга ёки ишлатилган нефть маҳсулотлари сақланадиган идиш-резервуарга йўналтириш керак.

103. Темир йўл эстакадаси ҳудудида нефть маҳсулотлари тўкилишига йўл қўймаслик лозим.

104. Темир йўл вагон-цистерналарига нефть маҳсулотини қуишиш пайтида темир йўл эстакаси атрофидаги 100 м радиусли ҳудудда барча таъмирлаш ишлари тўхтатилиши зарур.

105. Темир йўл эстакадаси ҳудудида қуийдагилар тақиқланади:

темир йўл вагон-цистерналарни профилактик таъмирлаш ва тозалаш;

саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган (портлашдан химояланмаган) кўчириб юрилувчи ёритқичларни ва чироқларни ишлатиш;

момақалдироқ пайтида тез аллангаланадиган нефть маҳсулотларини қушиш ёки тўкиш;

носоз темир йўл вагон-цистерналарга нефть маҳсулоти қушиш;

темир йўл эстакадаси цистерна устида туриб деталлар ва бошқа буюмларни ерга ташлаш.

106. Темир йўл эстакадаси бўйлаб темир йўл вагон-цистерналарининг ҳар қандай ҳаракати нефть маҳсулоти қушиш-тўкиш (цехи) участкаси оператори унинг кўрсатмаси асосида амалга оширилиши керак.

### **3-§. Автоқушиш эстакадаларидағи қушиш-тўкиш ишларини бажаришга қўйиладиган хавфсизлик талаблари**

107. Автоқушиш эстакадасидаги нефть маҳсулотини қушиш-тўкиш ишларини автоцистернанинг двигателини тўхтатиб қўйган ҳолда бажариш лозим.

108. Тез аллангаланадиган маҳсулотларни ташишга мўлжалланган автоцистерналар автоқушиш эстакадасининг ерга туташтирувчи контурига уланаидиган ертуштиргич қурилмаси билан жиҳозланиши зарур.

Автоцистерналарнинг глушителлари учқун сўндиригич тўри билан жиҳозланган бўлиши ҳамда улар автоцистернанинг олд томонига, двигатель ёки радиаторнинг остига чиқарилган бўлиши керак.

Автоцистернани қушиш майдончадаги ертуштиргич қурилмасига ула-магунча унга маҳсулот қушиш тақиқланади.

109. Автоцистернага нефть маҳсулотининг қуишишини транспорт воситаси ҳайдовчиси ва қушиш бўйича оператор назорат қилиши зарур.

110. Автоцистернага нефть маҳсулотини қуишида нефть маҳсулоти тўкилган бўлса, унинг двигателини ўт олдириш тақиқланади. Мазкур ҳолатда автоцистерна трос ёки штанга ёрдамида шатакка олиб хавфсиз масофагача тортиб борилиши керак.

111. Нефть маҳсулотини қушиш тугатилгандан сўнг, қушиш шлангидаги нефть маҳсулоти тўлиқ тўкилгандан кейингина шлангни автоцистерна оғзидан чиқариб олиниши керак. Автоцистернанинг қопқофи эҳтиёткорлик билан зарбаларга йўл қўймай беркитилиши керак.

112. Автоцистернага нефть маҳсулотини қушиш автоматик тарзда амалга оширилганда, ҳайдовчи мазкур тизимни ишлатиш йўриқномасига амал килган ҳолда бажариши зарур.

### **4-§. Намуна олиш ва резервуардаги нефть маҳсулоти сатҳини ўлчаш жараёнига қўйиладиган хавфсизлик талаблари**

113. Резервуарлардан нефть маҳсулоти намуналари ГОСТ 2517-85 «Нефть ва нефть маҳсулотлари. Намуна олиш усуллари» талабларига мос равища доимий ёки кўчма намуна олгичлар ёрдамида олиниши лозим.

114. Резервуарга нефть маҳсулотини қўйиш ёки уни нефть маҳсулотидан бўшатиш вақтида намуна олиш тақиқланади.

Кўлда намуна олиш резервуардаги нефть маҳсулотининг ҳаракати тўхтагандан 10 дақиқа ўтгач бажарилиши керак.

Резервуардаги нефть маҳсулоти сатҳини ўлчаш унданги нефть маҳсулотининг ҳаракати тўхтагандан 2 соат ўтгач амалга оширилиши лозим.

Намуна олишдан олдин ток ўтказувчи мис сим бутунлиги (созлиги)ни текшириш ва намуна олгични ерга туташтириш зарур.

Момақалдирок, кучли ёғинлар ва бўрон пайтида намуна олиш тақиқланади.

115. Резервуар люкнида ўлчов лентасининг осон ҳаракатланишини таъминловчи учқун чиқармайдиган қоплама-мослама бўлиши керак.

116. Нефть маҳсулоти сатҳини ўлчаш ҳамда намуна олишда люклар ва резервуар ускуналарининг созлигига эътибор бериш зарур.

117. Резервуар люкни очиб намуна олишда ёки нефть маҳсулоти сатҳини ўлчаш вақтида ходим люкнинг шамол келаётган тарафида туриши керак. Бунда заҳарланиб қолмаслик учун люк оғзига қараш ёки эгилиш мумкин эмас.

118. Нефть маҳсулоти сатҳини ўлчаганда учқун чиқармасликка, ўлчаш люкнинг четига лот урилиб кетмаслигига, ўлчаш лентасини уни йўналтирувчи қувур деворига ишқаланмаслигига ҳаракат қилиш лозим.

Лентани пахтали латта билан артиш керак. Бунда жун ёки синтетик матони ишлатиш тақиқланади.

119. Намуна олиш ёки нефть маҳсулоти сатҳини ўлчаш пайтида резервуар устига тўклилган нефть маҳсулоти доғларини яхшилаб тозалаш ва резервуар устини қуруқ латта билан артиш лозим.

120. Резервуар устида ишлатилган латталарни ёки бошқа бирор буюмларни қолдиришга йўл қўйилмайди.

121. Намуна олгандан ёки нефть маҳсулоти сатҳини ўлчагандан кейин люк қопқоғини эҳтиёткорлик билан ёпиш керак. Бунда резина, мис ёки кўрғошиндан ясалган қистирма мавжудлигини текшириш зарур.

122. Олинган нефть маҳсулоти намунасини лабораторияга олиб боришида хавфизлини таъминлаш учун уни маҳсус контейнерларда ташиш лозим.

123. Резервуар устига чиқиш ёки ундан тушишда ишга яроқли нарвон билан резервуарга қараб, тутқичларни ушлаб ҳаракат қилиш лозим.

124. Резервуар томидан туриб пастга лот, рулетка, асбоблар ва бошқа буюмларни ташлашга йўл қўйилмайди.

##### **5-§. Хом ашё, ёқилғи, тайёр маҳсулотларни сақлашда, ташишда омборлар ва ишлаб чиқариш чиқиндиларига қўйиладиган хавфизлик талаблари**

125. Омборларда фақат хом ашё, ёқилғи, тайёр маҳсулотларни қабул қилиш, сақлаш ва тарқатиш билан боғлиқ ишларни амалга оширишга рухсат этилади.

126. Омборлардаги ва юкларни сақлаш майдонларидағи ускуналар ва воситалар ҚМК 2.09.19-97 «Нефть ва нефть маҳсулотлари омборлари», саноат санитарияси ва ёнгин хавфсизлиги мейёрлари ва қоидалари талаблага-рига мос бўлиши керак.

127. Омборлар ва юк сақлаш майдонларида юкларни ортиш-тушириш ва юкларни ташиш каби оғир бажариладиган ишлар механизациялаштирилган бўлиши лозим.

128. Юклар сақланадиган омборлар ёки юк сақлаш майдончалари ҳуду-дига кириш жойларида транспорт воситаларининг ҳаракат йўналиши ва ту-риш ўрни ҳамда юкларни ортиш-тушириш жойлари кўрсатилган схемалар осиб қўйлиши лозим.

129. Омборларда ёнгин хавфсизлиги, тахлаш ва сақлаш бўйича хавф-сизлик қоидалари (йўриқномалар) бўлиши керак.

130. Нефть маҳсулотларини тарқатиш участкаларида қум захираси, нефть маҳсулотларининг тўсатдан тўкилишини бартараф этиш ва ифлосланган жойини тозалаш воситалари бўлишини инобатга олиш лозим.

131. Идишлардан нефть маҳсулоти сизиб (оқиб) чиққанда ёки тўкил-ганда нефть маҳсулоти бутунлай йиғишириб олинмагунча ва ушбу жойда-ги газланганлик даражаси рухсат этилган концентрация чегарасигача пасай-магунча омбордаги ишлар тўхтатиб турилиши керак. Носоз (бузук) идиш-лар нефть маҳсулотидан бўшатилиши ва бувлантирилиши шарт.

132. Битта бинода тез алангаланадиган суюқликларни ёнгин ва порт-лаш хавфи бор аралашмаларни ҳосил қилувчи бошқа моддалар билан бирга сақлаш тақиқланади.

133. Ташкилотларда барча турдаги чиққандилар билан ишлашга оид йўриқ-номалар ишлаб чиқилган бўлиши лозим. Чиққандиларни йиғиш, ташиш ва жойлаштиришни таъминловчи ходимлар чиққандилар билан хавфсиз ишлаш услубларига ўқитилган бўлишлари керак.

#### **6-§. Автоёқилғи қўйиш шохобчаларидан фойдаланишга қўйиладиган хавфсизлик талаблари**

134. Автоёқилғи қўйиш шохобчаларидан (бундан буён матнда АЁҚШ деб юритилади) уларнинг техник паспортлари ва фойдаланишга оид йўриқ-номалари асосида фойдаланилиши лозим.

135. АЁҚШ резервуарига нефть маҳсулотини оқиб тушадиган қилиб қўйиш мумкин эмас.

136. АЁҚШ резервуарларига нефть маҳсулотини қўйиш пайтида авто-цистерна атрофидаги 3 м радиусда бошқа транспорт воситаларининг ҳарака-тига йўл қўйилмайди.

137. Автоцистернадан АЁҚШ резервуарига нефть маҳсулотини қўйиш жараёни автоцистерна ҳайдовчиси ва АЁҚШ операторининг назорати ости-да амалга оширилиши лозим. Автоцистерна ҳайдовчиси ва АЁҚШ операто-ри қўйиш қурилмасининг герметиклигини ва нефть маҳсулоти қўйилишини

назорат қилишлари, оқиб (сизиб) чиқиш холатлари сезилганды нефть маҳсулоти қўйишни дарҳол тўхтатишлари зарур.

138. АЁҚШ резервуарига нефть маҳсулоти қуяётган автоцистерна унда хосил бўладиган статик электр токини йўқ қилувчи қурилмага эга бўлиши лозим.

139. Нефть маҳсулотини тўкаётган автоцистерна ертуштиргич қурилмасига уланиши зарур.

Ерга туташтирувчи симни аввал автоцистерна корпусига, сўнгра ертуштиргич қурилмасига улаш лозим. Ерга туташтирувчи симларни автоцистернанинг бўялган, ифлос металл қисмларига улаш мумкин эмас. Хар бир автоцистерна тўлиқ бўшатилгунга қадар ерга алоҳида туташтирилиши шарт.

140. АЁҚШда транспорт воситасига автоёқилғи қўйишда қўйидаги талабларга риоя қилиш шарт:

мотоцикллар, мотороллерлар, мопедлар автоёқилғи тарқатиш устунига 15 м қолганда двигатели ўчирилиб, кўлда юргизиб олиб келиниши, автоёқилғи қўйилгандан кейин эса устундан 15 м узоқлашгандан кейингина, уларнинг двигателлари ишга туширилиши лозим;

автотранспорт воситаларига автоёқилғи қўйиш учун двигатели ўчирилган ҳолда ва ҳайдовчининг иштирокида амалга оширилиши зарур;

автотранспорт воситаси юзасига тўкилган нефть маҳсулоти ҳайдовчи томонидан автотранспорт воситаси двигатели ишга туширилишидан олдин куруқ латта билан яхшилаб артиб тозаланиши лозим. Ерга тўкилган нефть маҳсулоти устига қум сепилиб, шимилган қум алоҳида маҳсус контейнерда унинг йиғиши ва тўпланиш миқдорига қараб, АЁҚШ ҳудудидан ташқарига, маҳсус ажратилган жойга чиқариб ташланиши лозим.

141. Автотранспорт воситасига автоёқилғи қўйиб бўлингандан кейин ҳайдовчи тақсимлагич кранни устунга ўрнатиб қўйиши лозим. Автоёқилғи олаётган транспорт воситаси билан унинг кетида турган транспорт воситаси орасидаги масофа камидаги 3 м, ундан кейинги навбатда турган транспорт воситалар орасидаги масофа эса камидаги 1 м бўлиши керак.

АЁҚШ ҳудудида транспорт воситалари кўп тўпланиб қолганда, ундан чиқиш йўли ҳоли ва айланиш (бурилиш)га имкон бўлиши зарур.

142. Ёнгин ва портлаш хавфи бўлган юклари бор транспорт воситаларига автоёқилғи АЁҚШ ҳудудидан камидаги 25 м нарида жойлашган, алоҳида, маҳсус жихозланган майдончада қўйилиши зарур.

143. АЁҚШдаги электр қурилмаларига хизмат кўрсатиш ишлари «Истемолчиликнинг электр қурилмаларидан техник фойдаланиш қоидалари» (рўйхат рақами 1383, 2004 йил 9 июль) ва «Истемолчиликнинг электр қурилмаларидан фойдаланишда техника хавфсизлиги қоидалари»га (рўйхат рақами 1400, 2004 йил 20 август) мувофиқ амалга оширилади.

## **7-§. Ишлаб чиқариш жараёнида ёнгин ва портлаш хавфсизлигига қўйиладиган талаблар**

144. Ташкилотда ёнгин хавфсизлиги ГОСТ 12.1.004-91 «Ёнгин хавфсизлиги. Умумий талаблар»га мувофиқ амалга оширилади.

145. Ташкилот ёнгин ва портлаш хавфи бўлган ҳолатларнинг содир бўлишини огоҳлантирувчи, шунингдек ёнгин ва портлашдан химояловчи ташкилий-техник чора-тадбирлар билан таъминланиши шарт.

146. Ёнгин ва портлаш хавфи бўлган бинолар, ташқи қурилмаларига ўрнатилган электр назорат-ўлчов асбоблари ва автоматика ускуналари мустаҳкам бўлиши лозим.

147. Ҳар бир цех, қурилма ва ишлаб чиқариш участкасида улардаги ишлаб чиқариш технологиясини ҳамда ёнгин ва портлаш хавфсизлиги хусусиятларини инобатга олиб ёнгин хавфсизлигига доир йўриқномалар ишлаб чиқилиши керак.

148. Қурилмалар, цехлар, ишлаб чиқариш участкаларидаги ёнгин хавфсизлиги бўйича йўриқномаларда қўйидагилар акс эттирилиши зарур:

нефть маҳсулотлари ва қўлланиладиган материалларнинг ёнгин ва портлашдан хавфлилигини ифодаловчи маълумотлар;

ходимлар бажариши шарт бўлган ёнгин хавфсизлиги талаблари;

ишлаб чиқаришнинг ўта хавфли участкалари учун маҳсус талаблар ва чора-тадбирлар;

ёнгин ёки авария содир бўлганда, технологик қурилмаларни тўхтатиш ва ёнфиндан сақлаш хизматини чакириш қоидалари;

ёнгин содир бўлганда ходимларнинг вазифалари;

ёнгинни ўчиришнинг бирламчи воситаларини ишга тушириш усуллари;

худуд, бинолар, иншоотлар, ёнфинга қарши резервуарлар ва ёнфинга қарши гидрантларга бориши йўлакларининг соз ҳолатига доир талаблар;

чекиш ва очиқ оловни қўллаш тақиқланган ҳамда чекиш мумкин бўлган жойларга оид талаблар.

149. Ёнгин ва портлаш хавфи бор муҳитни ҳосил қилишда иштирок этувчи моддалар билан ишлашга доир ишлаб чиқариш жараёнлари (ташиш ва сақлаш) ўтказиладиган обьектлардаги ишларда ёнгин ва портлаш хавфсизлигини таъминлаш талаблари бажарилиши зарур.

150. Ёнгин ва портлаш хавфсизлигини таъминлаш учун ишлаб чиқариш жараёни давомида ёнгин ва портлаш хавфи бўлган моддалар параметрларини, технологик режимни, ишлаб чиқариш хоналаридаги ҳаво таркибини, технологик ва электр ускуналар ҳолатини назорат қилиб туриш лозим.

151. Очиқ оловни қўллаш тақиқланган ва бошқа хавф мавжуд бўлган жойларда огоҳлантирувчи белгилар бўлиши зарур.

152. Ускуналарни ишлатувчи ва таъмирловчи ҳар бир ходим учун ташкилот раҳбарияти томонидан уларнинг бурч ва хизмат вазифаларини, асосий технологик операцияларини, таъмирлаш ва авария ишларини бажариш тартибини белгиловчи, маҳаллий шароитларини инобатга олган йўриқномалар ҳамда хавфсизлик техникаси ва ёнгин хавфсизлигига доир тадбирлар ишлаб чиқилиши лозим.

**4-боб. Ишлаб чиқариш ускуналарига қўйиладиган хавфсизлик талаблари**

**1-§. Умумий хавфсизлик талаблари**

153. Курилмаларни ишлатишда лойиха ҳужжатлари ва техник паспортда кўрсатилган асосий ускуналарнинг рухсат этилган хизмат муддати (ресурси)ни ва ўтказгич қувурлар ва арматураларни ишлатиш бўйича хисоб муддатларини инобатга олиш зарур.

Носоз ҳолатдаги ёки хавфсизлик қурилмалари (блокировкалаш, муайян ҳолатни ушлаб турувчи сигнал мосламалари ва асбоблар) носоз бўлган ҳамда техник паспортида кўрсатилган меъёрдан ортиқ зўриқиши ва босим остидаги ускуналар, механизмлар ва асбобларни ишлатиш тақиқланади.

Ускуналар ва назорат-ўлчов асбобларининг қисмлари физик жиҳатдан тўлиқ ишдан чиққанидан сўнг уларни ишлатиш тақиқланади.

154. Техник шаҳодатлаш, монтаж қилиш ёки ишлатиш пайтида ускуналарни техник ишлатиш қоидаси талабларига мос эмаслиги аниқланганда мазкур ускуналарни ишлатишга йўл қўйилмайди.

Ускуналар конструкциясига ушбу механизмларни лойихалаган ташкилотнинг рухсатисиз ўзгартириш киритиш мумкин эмас.

155. Юрадиган зиналар — 60° гача, резервуарларда эса, 50° ли қиялика (темир йўл қўйиш-тўкиш эстакадаларида — 45° дан ортиқ эмас) бўлиши керак. Нарvonларнинг эни камида 65 см (темир йўл қўйиш-тўкиш эстакадаларида камида 70 см), юк кўтариб чиқладиган нарвонларники эса, камида 1 м, зиналар оралиғидаги масофа 25 см гача, поғоналарнинг эни камида 12 см бўлиши лозим.

Нарвонлар поғоналарининг ҳар икки томонида одам оёғи сирпаниб кетишига йўл қўймайдиган, баландлиги 15 см (темир йўл қўйиш-тўкиш эстакадаларида — 20 см) келадиган ёnlама планкалар ёки ёnlама тўсиқлар бўлиши керак. Нарвонларнинг ҳар икки томонида баландлиги камида 1 м ли тутқич (ушлагич)лари бўлиши зарур.

156. Баландликдаги иш майдончасининг таги (поли)га оёқ сирпанмайдиган металл ёки қалинлиги камида 40 мм тахта ётқизилган бўлиши, атрофи камида 1,25 м баландликдаги тўсиқ (тутқичлар) ва бўйламасига ҳар 40 см тахтачалар билан қопланиши, полга зичлаб ўрнатилган, баландлиги камида 15 см борт (деворча)лар билан ўралган бўлиши керак.

157. Ускуна (қурилма)ларнинг ташқи юзалари ва иссиқлик изоляцияловчи филофларнинг қопламалари юзасидаги ҳарорат ёнғин ва портлаш хавфи бўлган маҳсулотларнинг энг паст алангаланиш ҳароратидан катта бўймаслиги, бино ичидаги ҳарорат ходимлар тегиши мумкин бўлган жойда кўпи билан 45° С, ташқи қурилмаларда эса, кўпи билан 60° С бўлиши лозим.

**2-§. Темир йўл қўйиш-тўкиш эстакадаларига  
қўйиладиган хавфсизлик талаблари**

158. Темир йўл қўйиш-тўкиш эстакадаларининг жойлашуви КМҚ 2.09.19-97 «Нефть ва нефть маҳсулотлари омборлари» талабларига мувофик бўлиши, темир йўл рельсидан эстакадагача бўлган оралиқ масофани ГОСТ 9238-83 «Бинолар ва темир йўл харакатлануви таркиб изларининг яқинлашиш габаритлари 1520 (1524) мм» талабларига мос ҳолда қабул қилиш лозим.

159. Қўйиш-тўкиш қурилмасининг ҳар икки томонида ёки темир йўлда алоҳида (иккита икки ўқли ёки битта тўрт ўқли вагон узунлигига) устунларга локомотивлар ўтишини тақиқловчи сигнал белгилари — назорат устунлари ўрнатилиши керак.

160. Темир йўл қўйиш-тўкиш эстакадалари ёнмайдиган материалдан ясалиб, темир йўл қўйиш-тўкиш эстакадасининг ҳар икки учидаги (кўпи билан 100 м) эни 0,7 м, қиялиги энг кўпи билан  $45^{\circ}$  нарвонларга эга бўлиши керак.

Темир йўл қўйиш-тўкиш эстакадаларида қўйиш-тўкиш қурилмаларига хизмат кўрсатиш учун атрофи тутқичлар билан ўралган майдончалар қурилиши лозим.

161. Темир йўл қўйиш-тўкиш эстакадаси ҳудудида темир йўл вагон-цистерналарини тўхтатиш ва маҳкамлаш учун ёроч бошмоқлар ёки учқун чиқармайдиган металл бошмоқлардан фойдаланилади. Ушбу мақсадлар учун металл бошмоқлардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

162. Оч ранги нефть маҳсулотлари учун кўтариб-тушириладиган кўприк-чалар ёроч ёстиқчали, болтлари кўринмайдиган қилиб чўқтирилган ва резина тагликка эга бўлиши зарур.

163. Темир йўл қўйиш-тўкиш эстакадасининг хизмат кўрсатиладиган майдончасидаги зулфинларнинг чамбараги, кўтариш механизmlари, кранларнинг дастаси ва қўйиш мосламаларигача бўлган масофа кулай ва 1,5 м дан ортиқ бўлмаслиги керак.

164. Темир йўл вагон-цистерналарига нефть ва нефть маҳсулотларини қабул қилиш ва юклаш ишларини конструкцияси бўйича қўйиш-тўкишни хавфсиз ўtkазилишини таъминловчи маҳсус жиҳозланган қўйиш-тўкиш қурилмалари воситасида амалга ошириш лозим.

165. Темир йўл вагон-цистерналарига нефть маҳсулотларини қўйишни телескопик ёки шарнирли усулда уланган ускуналарда, қўйишни автоматик чегараловчи мосламалари ва механизация воситалари билан жиҳозланган автоматлаштирилган тизим ёрдамида шланг ишлатмасдан бажариш керак.

166. Темир йўл қўйиш-тўкиш эстакадасидаги устунлар, пастки тўкиш қурилмалари, резина-металли шланглар, сальниклар, технологик ўтказгич қувурлардаги фланецли уламалар тўлиқ герметик зич бўлиши, устунларга тартиб ракамлари қўйилиши зарур.

167. Темир йўл қўйиш-тўкиш эстакадаси, унга келадиган темир йўллар

хамда нефть маҳсулотларининг ўтказгич қувурлари ерга туташтирилган бўлиши лозим.

168. Темир йўл қўйиш-тўкиш эстакадасининг қўйиш-тўкиш мосламали-ри темир йўл вагон-цистерна оғзига урилганда учқун чиқармайдиган мате-риалдан ясалган учликлар билан жиҳозланиши ва ерга туташтирилган бўлиши керак.

169. Табиий атмосфера ёғин-сочинларини йиғиб ташқарига чиқариш ва тўкилган нефть маҳсулотларини ювиш учун қўйиш жойи қаттиқ бетон қоп-ламали бўлиши ва дренаж тизимига чиқариб юборадиган қурилма билан жиҳозланиши лозим. Мазкур жойдаги темир йўл рельслари темир-бетон шпалларга ётқизилиши зарур. Қаттиқ қоплама, сув ўтказмайдиган, қабул жойлари (лоток, кудуқлар, чукурчалар) томонга қараб 2 фоиз даражасида қиялатиб қурилиши ва бутун атрофи бўйлаб камида 0,2 м ли тўсиқ (борт) билан ўралган бўлиши лозим.

170. Темир йўл қўйиш-тўкиш эстакадаларида темир йўл вагон-цистер-насига нефть маҳсулоти тўлиш чегарасига етганда қўйиш жараёни автома-тик тарзда тўхташи керак.

171. Темир йўл қўйиш-тўкиш эстакадасидаги тез алангланадиган су-юқликлар ва ёнувчи суюқликлар келадиган ўтказгич қувурларга тез ишлай-диган беркитиш қурилмаси ёки масофадан туриб бошқариладиган, авария вазиятларида эса мазкур ўтказгич қувурларни узиб қўядиган зулфинлар ўрна-тилиши керак.

Мазкур узиб қўядиган қурилма темир йўл қўйиш-тўкиш эстакадасидан 20 — 50 м нарига ўрнатилиб, оператор хонасидан ва бевосита темир йўл қўйиш-тўкиш эстакадасининг эвакуация зинапоясининг энг паст жойидан туриб бошқарилиши керак.

172. Нефть ва нефть маҳсулотининг максимал хавфсиз қўйиш тезлиги-ни қабул қилишда қўйилаётган нефть маҳсулотининг хоссаси, қўйиш қурил-масидаги ўтказгич қувур диаметри ва деворлари материалининг хоссалари инобатга олиниши ва лойихада белгиланиши керак.

173. Ўтказгич қувурлар ва қўйиш-тўкиш коллекторлари тизимларида ёнгин ва портлаш хавфи бор аралашмалари ҳосил бўлишининг олдини олиш мақсадида, маҳсус ишларга мўлжалланган ускуналар ва турғун тармоқлар-дан фойдаланиб, мазкур жойларга инерт газ ёки буғ олиб келишини кўзда тутиш лозим.

174. Нефть ва нефть маҳсулотларини темир йўл қўйиш-тўкиш эстака-даси яшиннинг бевосита уриши ва электр магнит индукциясидан ҳимоялан-ган бўлиши зарур.

175. Темир йўл қўйиш-тўкиш эстакадаси жойлашган темир йўллари эстакададан темир йўл вагон-цистернани ҳар икки томонга юргизиб чиқа-риб олишга имкон берадиган равишдаги айланиб ўтиш йўлларига эга бўли-ши, унинг узунлиги эстакададан камида 30 м гача чўзилиб, маҳсус тўсиқга-ча етиши керак.

### 3-§. Автоёқилғи қуйиш эстакадаларига қўйиладиган хавфсизлик талаблари

176. Автоцистерналарга автоёқилғи қуйиш майдонлари нефть маҳсулоти гурухларига кўра бирлаштирилади ва айвон остида жойлаштирилади. Айвон конструкцияси ёнмайдиган материалдан тайёрланган бўлиши лозим.

177. Автоёқилғи қуйиш эстакадаси жойлашган майдонча қаттиқ қопламали бўлиб, тўкилган нефть маҳсулотларини маҳсус йигичга, ёғин-сувларини эса оқова сув тизимиға келишини таъминлаши керак.

Куйиш қурилмалари технологик схемага мувофиқ тартиб ракамга ва ушбу қурилмадан ўтадиган нефть маҳсулоти нави (сорти)нинг номига эга бўлиши лозим. Майдонларда йўл ҳаракати ва ёнғин хавфсизлигига доир белгилар ўрнатилиши зарур.

178. Носоз автоцистерналарни автоёқилғи қуйиш эстакадасида таъмирланиши тақиқланади.

179. Автоёқилғи қуйиш эстакадаси (пункти)да оператор хонасидан автоматик тарзда бошқариладиган қуйиш устунлари ва автоматик усулда қуядиган қурилмаларни кўллаш керак.

180. Автоёқилғини қуйишни қўлда, гидравлика ёки пневматик усулда амалга оширишда кўлланиладиган қуйиш-тўкиш қурилмасининг узатмалари, қурилма механизмлари тасодифан, ўз-ўзидан ҳаракатга келишининг олдини олиш лозим.

181. Автоцистернага қуйилаётган нефть маҳсулоти автоцистерна тошиб кетишининг олдини олиш учун белгиланган сатҳгача нефть маҳсулоти тўлдирилганда, автоматик тарзда қуйилишни тўхтатиб қўядиган автоматик чегаралагич мосламани қўллаш зарур.

182. Автоцистернага нефть маҳсулотини қуйиш тугаллангандан сўнг қувурдаги нефть маҳсулотини тўкмай, унинг нефть маҳсулотидан тўлиқ бўшатиб олинишини таъминловчи чора-тадбирларни кўзда тутиш лозим.

183. Қуйиш мосламаларида уларнинг оғзигача нефть маҳсулотлари билан тўлдирилган автоцистерналарни автоёқилғи қуйиш шохобчаларидан чиқиб кетишининг олдини олиш учун улар маҳсус (светофорлар ва шлагбаумлар) воситалар билан жиҳозланиши керак.

184. Автоёқилғи қуйиш эстакадасида нефть маҳсулотини олаётган ёки тушираётган автоцистерналарда ҳайдовчи насоснинг ишга тушиб кетишининг олдини олувчи, ертуштиргич мосламаси билан жиҳозланган блокировка тизими бўлиши лозим.

185. Ёнғин содир бўлганда, автоцистернани судраб олиб чиқиб кетиш учун автоёқилғи қуйиш эстакадасида трос ёки штанга бўлиши лозим.

186. Автоцистерналарда ГОСТ 194333.3-2000 «Хавфли юклар. Маркировка» талабларига мувофиқ тегишли белгилари, ҳаракатланаётганда ерга туташтирувчи занжирнинг тегиб турадиган қисмининг узунлиги 100 — 200 мм келадиган учқун чиқармайдиган материалдан ясалган бўлиши керак.

187. Автоцистерналарда иккита ўт ўчиргич, кигиз, қуруқ қумли кути, белкурак ва хавф хақидаги ахборот тизимининг маълумот жадвали бўлиши зарур.

#### **4-§. Резервуар парклариға қўйиладиган хавфсизлик талаблари**

188. Резервуар паркининг ҳудудига кириш учун марзанинг ҳар иккала томонига тутқичлари бор ўтиш зинапояларини ўрнатиш зарур. Бунда:

алоҳида турган резервуар учун — камида иккита;

резервуарлар гурухи учун — камида тўртта.

Ўтиш жойларини белгилашда ходимлар юриши учун қулай нуқталарни танлаш лозим. Ўтиш жойлари (зинапоялари) бўлмаган жойларда марза устидан юриб ўтиш тақиқланади.

189. Резервуар парки ҳудудига махсус учқун сўндиргичи йўқ транспорт воситаларнинг кириши тақиқланади.

190. Пойдевори чўккан, зич бўлмаган ҳамда носоз ускунали резервуарлардан фойдаланиш мумкин эмас.

191. Резервуар томига, нарвоннинг ҳар иккала томонига қараб, резервуар периметри бўйича ва нарвон тутқичларига уланган, баландлиги камида 1 м тўсиқ-тутқичлар ўрнатиш лозим.

Резервуар томидаги ускуналарга хизмат кўрсатишда фойдаланилайдиган майдончалар нарвоннинг энг юқори поғонаси билан маҳкам туташтирилган бўлиши лозим. Майдончаларда ёғоч пол ўрнатиш тақиқланади.

192. Кудуқларнинг металл люкларини, резервуарларнинг нарвонларини ва томини фақат ёғочли кураклар билан тозалаш керак.

193. Резервуарлардаги нефть маҳсулотларини иситиш харорати нефть маҳсулоти буғларини берк тигелда аллангаланиши дарражасидан  $15^{\circ}\text{C}$  паст ва  $90^{\circ}\text{C}$  дан юқори бўлмаслиги керак. Резервуардаги иситилаётган нефть маҳсулотининг харорати мунтазам назорат қилиб борилиши, олинган кўрсаткичлар эса, бошқарув хонасида (оператор хонасида) қайд қилиб борилиши лозим.

194. Нефть маҳсулотини буғ иситгич ёрдамида қиздирганда, тўйинган буғнинг босими  $0,4 \text{ MPa}$  дан ( $4 \text{ кг}/\text{cm}^2$  дан) ортиқ бўлмаслиги керак.

195. Резервуарлар (парклар) марзалари ичига электр ускуналарни ўрнатиш ва электр кабель тармоқларини ётқизиш мумкин эмас, ёнғин ва портлашдан химояланиб ясалган электр иситиш тизими, назорат ва автоматика курилмалари ҳамда маҳаллий ёритиш асбоблари бундан мустасно.

196. Резервуар яқинида ўрнатилган беркитиш қурилмаси қўлда ҳамда марзадан ташқарида туриб электртузатмали зулфин орқали бошқариладиган бўлиши керак.

#### **5-§. Насос станциялариға қўйиладиган хавфсизлик талаблари**

197. Насос станциясининг эшик ва деразалари ташқарига очиладиган

хамда эшиклари остонасиз (бўсағасиз) бўлиши керак. Ёруғлик тушадиган тирқишлир тўсилмаган бўлиши, дераза ойналар ва фонарлар тозалаб турилиши зарур.

198. Айвонларга жойлаштирилган очик насос станцияларидағи ён тўсиқларининг юзаси унинг ўша ён томони полдан томнинг ёки насосхона айвоннинг энг юқори нуқтасигача ҳисоблагандаги умумий юзасининг 50 фоизидан кўп бўлмаслиги керак.

Насос станцияларининг ён томонидаги ҳимоя тўсиқлари ёнмайдиган материалдан ясалиб, табиий шамоллатиш шартларига кўра полдан (ердан) камидаги 30 см кўтарилиб турган бўлиши керак.

199. Тез аланталанадиган суюқликларни ҳайдаш (дамлаш) учун икки ёнлама, зарур ҳолларда эса, бир ёнлама ва қўшимча зичлагичли сальниксиз марказдан қочма насослар ишлатилиши лозим.

200. Транспортировка қилинаётган (ҳайдалаётган) нефть маҳсулотини орқага қараб ҳаракатланишининг олдини олиш учун ўтказгич қувурининг дамлаш тармоғига тескари клапан ўрнатиш лозим.

201. Насосларнинг хавфсиз ишлатилишини таъминлаш мақсадида уларни сигнализация ва блокировка тизими билан жихозлаш лозим.

202. Нефть ва нефть маҳсулотларини ҳайдовчи насослар қаерга ўрнатилишидан катъи назар, маҳаллий ва масофадан туриб бошқарувга эга бўлиши зарур.

203. Насосларнинг сўрувчи ва ҳайдовчи тармоқларида масофадан туриб бошқариладиган беркитувчи ёки узиб кўювчи қурилма кўзда тутилиши лозим. Масофадан узиб қўядиган мослама ҳар бир муайян ҳолат учун ўтказгич қувурнинг диаметри ва узунлигига қараб лойиҳаловчи ташкилот томонидан белгиланади.

204. Насос станциясининг поллари ёнмайдиган ва нефть маҳсулотлари таъсирига дош берадиган материаллардан ясалиши лозим. Полда дренаж лотоклари бўлиб, улар яхши ёпиладиган лотокнинг таги ва деворларини сув ва нефть маҳсулоти ўтказмайдиган қилиб ясалиши керак. Лотоклар оқова тизим томонга гидрозатвор орқали қиялатиб ўрнатилиши зарур.

205. Насос станциясидаги ўтказгич қувурлар лотокларга жойлаштирилиши ва деворлар (тешиклари) орқали ўтган жойларининг зичлагич мосламарини қўллаб беркитиш лозим.

206. Насос ёки компрессорнинг сўрувчи ва ҳайдовчи ўтказгич қувурлардаги беркитиш, ажратиш ва сақлагич қурилмаларини қоида тариқасида, насос ёки компрессорга яқинроқ, хизмат кўрсатиш учун қулай ва хавфсиз жойга ўрнатиш керак.

207. Ёнма-ён жойлашган насосларнинг қисмлари ўртасидаги хамда насослар билан бино деворлари ўртасидаги масофа камидаги 1 м, икки қатор қилиб ўрнатилганда эса, қаторлар ораси камидаги 2 м бўлиши лозим.

Насосларнинг қисмлари, ўтказгич қувурлар ва бошқа ускуналар эшиклини камидаги 1 м нарига ўрнатилган бўлиши керак.

208. Ускуналар ва ўтказгич қувурларнинг  $45^{\circ}$  С гача қизийдиган юзала-

ри тўсилган ёки ходимлар текканда куйиб қолишининг олдини олувчи изоляцияловчи материал билан қопланган бўлиши лозим.

209. Насос станциясида жойлашган асосий ва ёрдамчи ускуналар технологик схема асосида тартиб рақамлар билан белгиланиши керак. Тартиб рақамларни кўринарли жойга оқ бўёқ билан ёзиш зарур. Двигатель билан насос ўртасида девор бўлса, тартиб рақам ҳам насосга, ҳам двигателга ёзилади. Насос агрегати бир хонада жойлашган бўлса, рақам фақат двигателга ёзилади.

210. Насос станциясидаги асосий ва ёрдамчи қурилмалар ҳамда сув таъминоти, шамоллатиш, оқова, ҳаво таъминоти ва ёнгин ўчириш тизимлари бир-биридан фарқланадиган рангларга бўялиши керак. Ўтказгич қувурларининг сиртларида уларнинг вазифалари ҳамда хайдалаётган нефть маҳсулотининг йўналиши кўрсатилиши лозим.

211. Двигатель ва насосларда, улардаги айланма харакатнинг йўналишини кўрсатувчи стрелкалар, ишга тушириш қурилмасида эса «**Ишга тушириш**» ва «**STOP**» ёзувлар бўлиши лозим.

212. Насос станциясидаги кнопкалар (тугмачалар) ва қайта улагичлар ёнгин ва портлашдан ҳимояланиб ҳамда нам ўтказмайдиган қилиб ясалган бўлиши зарур.

«**Ишга тушириш**» кнопкаси (тугмачаси) пульт юзасидан 3 — 5 мм пастроқ қилиб, «**STOP**» кнопкa (тугмача)си эса, қўзиқорин шаклида бироз каталаштирилган бўлиб, пульт юзасидан (панелдан) бўртиб чикиб турган бўлиши керак.

213. Ҳар бир насос агрегатига манометр ўрнатилиши лозим. Манометрсиз ёки носоз манометрли насосларни ишлатиш тақиқланади.

214. Насос агрегатида уни ерга туташтирувчи тизимга улашга хизмат қилувчи мослама бўлиши, унинг устига ертушгич белгиси қўйилиши лозим.

215. Берк бинодаги насос станцияларида мажбурий оқимли-сўрувчи шамоллатиш тизими ва ёнгинни ўчиришнинг бирламчи воситалари бўлиши лозим.

216. Насос станциялардаги мойлаш воситаларининг миқдори сутка эҳтиёжи даражасида беркитиладиган металл идишларда сақланиши керак.

217. Артиш материалларини қопқоқли металл қутиларга йиғиб, кейинчалик қайта ишлатишга тайёрлаш ёки йўқ қилиб юбориш мумкин.

Мойлаш воситаларини узок муддат сақлашга рухсат этилмайди.

218. Насосларни ишлатишда подшипниклар ва сальниклар ҳолатига алоҳида эътибор бериш зарур.

Подшипниклар етарли даражада мойланган бўлиши лозим ва улар 60<sup>0</sup> С дан ортиқ қизиб кетмаслиги керак.

Подшипниклар хароратини ҳар соатда камида бир марта текшириб туриш керак.

219. Насослар ва ўтказгич қувурларнинг иссиқ юзасига артиш материаллари ёки нефть маҳсулотлари шимилган буюмларни қўйиш тақиқланади.

220. Насосларни ишлатишда насосларда ва ўтказгич қувурлари герме-

тик бўлиши хамда сальникли зичлагичлар ва бошқа жойларида нефть маҳсулотларини меъёрдан ортиқ микдорда сизиб чиқиш ҳолатлари дарҳол бартараф этилиши зарур.

221. Насос станциясидаги барча ускуналарнинг ишқаланувчи деталлари ўз вақтида мойланиши керак. Мойлаш пайтида нефть маҳсулотининг сачраб, оқиб кетишига йўл қўймаслик керак.

222. Ишлаб турган насослар иш режимидаги бирор носозликлар (шовқин, ҳаддан ташқари кучли тебраниш, подшипниклар қизиши, сальниклардан нефть маҳсулоти сизиб чиқиши ва дарзликлар) аниқланганда, насосларнинг ишлашини дарҳол тўхтатиш зарур. Носозлик сабаблари аниқланиб, уларга барҳам берилмагунча насосларни ишлатиш тақиқланади.

223. Насослар ишини автоматик тарзда назорат қилиш воситалари бўлмаска, асбоб-ускуналарнинг ишлашини мунтазам равишда назорат қилиб туриш зарур.

224. Насос станциясига электр энергияси тўсатдан келмай қолганда, двигателларни электр тармоғидан тезда узиб қўйиш керак.

225. Хар бир насос станциясида авария ҳолати учун асбоб-ускуналар комплекти ва аккумуляторли фонарлар захираси бўлиши хамда улар маҳсус жавонларда сақланиши керак.

## **6-§. Технологик ўтказгич қувурларига қўйиладиган хавфсизлик талаблари**

226. Технологик ўтказгич қувурларини қуриш ва жойлаштиришга доир умумий хавфсизлик талаблари ҚМҚ 3.05.05-98 «Технологик ускуналар ва технологик ўтказгич қувурлар»га мувофиқ бўлиши керак.

227. Ташкилотнинг технологик ўтказгич қувурлари технологик схемасида уларнинг ер усти ва ер остидаги ўтказгич қувурларининг хамда уларга ўрнатилган беркитиш қурилмаларининг жойлашуви кўрсатилиши лозим.

Ўтказгич қувурларининг жойлашув схемасини ташкилот раҳбарияти-нинг рухсатисиз ўзгартириш мумкин эмас.

228. Нефть ва нефть маҳсулотларини ўтказгич тармоқлари орқали транспорт қилиш учун фақат пўлат технологик ўтказгич қувурларни кўллаш керак.

Мазкур мақсадлар учун шиша ва бошқа мўрт материаллар хамда ёнувчи ва қийин ёнувчи материаллардан (фторпласт, полиэтилен, винипластдан) ясалган ўтказгич қувурлардан фойдаланишга рухсат этилмайди.

229. Ташилаётган (хайдалаётган) нефть маҳсулотининг коррозияга фаоллиги ва ишлатишга мўлжалланган муддатига кўра ўтказгич қувурларининг деворлари қалинлигининг коррозия туфайли емирилишини хисобга олиб танлаш керак.

230. Нефть ва нефть маҳсулотли технологик ўтказгич қувурларини нефть базалари худуди бўйлаб ер юзасига, ёнмайдиган конструкциялар, эстакадалар, устун ва таянчларга ўрнатиб жойлаштириш керак.

231. Ўтказгич қувурларини бир-бирига улаш фақат пайвандлаш орқали

амалга оширилади. Ўтказгич қувурлар орқали қотиб (куюклашиб) коладиган нефть маҳсулотларини ҳайдаётганда ҳамда арматура ва технологик ускуналар ўрнатиладиган жойларда ёнмайдиган материалдан ясалган қистирмали фланецли уланмаларни кўллашга рухсат этилади.

232. Ўтказгич қувурларни пуфлаш учун инерт газ ва буғни ўтказгич қувурининг бошланиш ва охирги нукталарига улаш лозим. Бунда арматура ва тиқинли штуцерлар ўрнатилган бўлиши керак.

233. Ёнгин ва портлашдан химояланган арматуранинг электр узатмаларини капитал таъмирлаш ихтисослаштирилган ташкилотларда амалга оширилади.

234. Марказдан қочма насослар ва компрессорларнинг ҳайдовчи (дамловчи) ўтказгич қувур тармоғига ҳайдалаётган суюқликни тескари йўналишда харакатланиб кетишининг олдини олиш мақсадида тескари клапан ёки шунга ўхшаш қурилма ўрнатилиши, зарур бўлганда эса, сақлагич қурилмасини (клапан) ўрнатиш лозим.

Технологик ўтказгич қувурларининг беркитувчи-тартибга солувчи арматурасига ижровий технологик схемага мувофиқ, унинг тартиб рақами ёзиб қўйилиши зарур.

Беркитувчи, тартибловчи ва сақловчи арматуралар уларга хизмат кўрсатишга ва бошқаришга қулай ҳамда осон бориладиган жойларга ўрнатилиши керак.

235. Ер усти технологик ўтказгич қувурларининг таянчлари (устунлари) ва осма мосламаларининг хавфли даражада осилиб қолиши ёки авария ҳолати содир этилишининг олдини олиш мақсадида улар доимий назорат остида бўлиши керак.

236. Технологик ўтказгич қувурлари устидан ходимлар ўтадиган жойларга ўтиш майдончалари ёки тутқичли кўприкчалар қуриш лозим.

237. Технологик ўтказгич қувурларининг лотоклари ва траншеялари ёнмайдиган материалдан ясалган плиталар билан беркитилиши зарур.

238. Технологик ўтказгич қувурларининг лотоклари, траншеялари ва қудуклари доимо тоза ҳолатда бўлиши, мунтазам равишда сув билан ювиб турилиши шарт.

Қудуклар, камералар ёки траншеяда (лотокларда) жойлашган беркитиш арматуралари қудук ёки траншеяга (лотокка) тушмасдан юқоридан туриб очиб-ёпиш имконини берувчи мосламага эга бўлиши керак.

239. Ўтказгич қувурларининг арматураларини очиш ёки ёпиш учун ломлар ва қувурларни ишлатиш тақиқланади.

240. Технологик ўтказгич қувурларида берк (тупик) участкалар бўлса, улар доимий назорат остида бўлиши зарур.

241. Технологик ўтказгич қувурлари ва арматураларни қиздириш учун гулхан, машъала ва кавшарлаш лампаларини кўллаш мумкин эмас. Бунда қиздирилдиган участкани ишлаб турган тармоқдан узиб (ажратиб) қўйиш ва қайнок сув ва буғдан фойдаланиш керак.

242. Технологик ўтказгич қувурларида содир бўлган тиқинларни барта-

раф этиш учун ишқаланиш ёки қувурга урилиш туфайли учқун ҳосил қилувчи пўлат симлар ва бошқа мосламаларни ишлатиш тақиқланади.

243. Ностандарт улаш деталлари ва арматураларни қўллаган холда технологик ўтказгич қувурларини ишлатишга йўл қўйилмайди.

244. Нефть маҳсулотларини ҳайдаш пайтларида технологик ўтказгич қувурлари ва уларнинг арматураларини таъмирлаш тақиқланади.

245. Нефть маҳсулотларини ҳайдовчи технологик ўтказгич қувурларида электр статик ҳодисаси рўй беришига йўл қўймаслик учун улар ерга туаштирилиши лозим.

### **7-§. Лабораторияларга қўйиладиган хавфсизлик талаблари**

246. Лабораторияларни ёнғинга чидамлилик бўйича камида II даражадаги биноларга жойлаштириш керак. Лабораториялар бошқа ишлаб чиқариш биноларида хоналарга жойлаштирилганда, улар ёнмайдиган девор билан ажратиб қўйилиши лозим.

247. Лабораториянинг ишчи хоналари оқимли-сўрувчи шамоллатиш тизимида ва шкафлар ҳамда бошқа газ ажралиб чиқувчи манбалардан сўрувчи маҳаллий мосламаларга эга бўлиши керак.

248. Лабораториянинг барча хоналари доимо тоза бўлиши керак. Тўкилган тез алагаланадиган суюқликлар ва ёнувчи суюқликлар йиғиб олиниб, мазкур жой тезда иссиқ сув билан ювилиши зарур.

249. Захарли ёки ёнғин ва портлаш хавфи мавжуд бўлган буғлар ва газлар ажралиб чиқиши эҳтимоли бўлган барча ишлар сўрувчи шкафда бажарилиши лозим. Сўрувчи шкафлар ичida очиқ оловни қўллаб ишлаш зарур бўлганда, иш жойини қаровсиз қолдириш мумкин эмас.

250. Нефть маҳсулотлари ва бошқа тез алангланадиган суюқликларни киздириш зарур бўлганда, суюқлик қўпириб ва сачраб кетмаслиги учун уни сувсизлантириб олиш лозим.

251. Сўрувчи шкафларни идишлар, асбоблар ва бажарилаётган ишга алоқаси бўлмаган бошқа лаборатория ускуналари билан аралаштириб юбориш тақиқланади.

Ойналари синган ва шамоллатиш тизими носоз бўлган сўрувчи шкафларни ишлатиш тақиқланади.

252. Ёнғин ва портлаш хавфи бор моддалар билан ишлашга мўлжалланган иш столлари ва сўрувчи шкафлар ёнмайдиган материал билан қопланиб, қирғоғи камида 1 см бортга эга бўлиши, фаол кимёвий моддалар билан ишлайдиган жойлар эса, улар таъсирига бардош берадиган материал билан қопланиши керак.

253. Сўрувчи шкафлар ва идиш ювиш хоналари ёнғин ва портлашдан ҳимояланган чироқлар билан ёритилиши керак. Ток штепсель қурилмаларини сўрувчи шкафдан ташқарига жойлаштириш керак.

254. Лаборатория ходимлари нефть маҳсулотлари, ёнғин ва портлаш

хавфи мавжуд бўлган кимёвий моддалар ва материалларни билишлари ва улар билан ишлаганда хавфсизлик чораларига риоя қилишлари зарур.

255. Ёнувчи ва заҳарли моддаларни қиздириш (иситиш) билан боғлиқ ишларни бажарганда, лаборатория хонасида камида икки киши бўлиши керак. Иш жойини қаровсиз қолдириш тақиқланади. Ходим маълум вақтга иш жойини қолдириши керак бўлганда, иситиш манбалари токдан ажратиб қўйилиши лозим.

256. Махсус кийимсиз ёки ёғ-мой билан ифлосланган махсус кийимда иш бажариш тақиқланади.

257. Иш якунида газ ва сув жўмраклари ёпилганлиги, горелкалар, лампалар, электр иситиш асблари, электр моторлар, шамоллатиш тизимлари, электр ёритқичлар манбадан узилганликлари, раковинанинг сув билан ювилганлиги, барча ёнувчи моддалар омборга йиғилганлиги, реактивлар ва материаллар турган идишларнинг оғзи тиқинлар билан беркитилганлиги, лаборатория хонаси ва иш жойлари йиғиб-саришталангандиги текширилиши зарур.

258. Иш учун зарур бўлган нефть маҳсулотлари ва реактивлар кунлик эҳтиёж микдорида сақланиши мумкин. Улар сўрувчи шкафлар ичida сақланаётган бўлса, ушбу шкафларда таҳлиллар ўтказиш тақиқланади.

Ўзаро кимёвий қўшилиши оқибатида ёнгин ва портлаш ҳосил қилувчи моддаларни бирга сақлашга йўл қўйилмайди.

259. Ёнгин хавфи бор моддалар (нефть, бензин, бензол, спирт ва бошқалар), нефть маҳсулоти намуналари, кислоталар ва ишқорлар ёнгин хавфсизлиги талабларига жавоб берадиган хоналарда сақланиши керак.

260. Лабораторияда бир турли газли баллонни биттадан ортиқ микдорда сақлаб туриш тақиқланади.

261. Лабораториянинг газ тармоғи иш жойидаги жўмрак ва кранлардан ташқари, бинонинг ташқарисига қулай қилиб жойлаштирилган ҳамда умумий беркитиш жўмрагига эга бўлиши лозим.

262. Иш жойлари ва сўрувчи шкафлардаги сув ва газ жўмраклари хизмат кўрсатиш учун қулай ва хавфсиз жойга ўрнатилиши зарур.

263. Носоз уланмалар ёки жўмраклардан газ сизиб чиқаётганлиги аникланганда, газ тармоғидаги умумий жўмрак ёрдамида газ келиши тўхтатилиб, газ сизиб чиқишига барҳам бериш ва хона шамоллатилиши лозим.

Газ тармоғидаги герметикликни текшириш учун очик оловдан фойдаланиш тақиқланади. Баллонлар ёки редуктор жўмракларида нозичлик союн кўпиги суртилиб аникланади.

264. Суюлтирилган газ баллонларидан фойдаланилганда, улар қуёш нури тўғридан-тўғри тушмайдиган, ёритқич ва иситгич ускуналаридан чиқаётган иссиқлик таъсир қилмайдиган жойларга ўрнатилиши (сақланиши) лозим. Баллонлар махсус хомутлар ёрдамида тик ҳолатда ўрнатилади.

265. Ёнувчи газли баллонларни оқимли-сўрувчи шамоллатиш тизими билан жихозланган махсус биноларда (хоналарда) сақлаш ва ўрнатиш лозим. Усти беркитилган очик жойларда махсус жавон ёки панжарали яхши шамоллатиладиган шкафларда сақлаш ёки ўрнатиш керак.

266. Нефть маҳсулотлари намуналари, тез алангаланадиган эритувчилар ва реактивларни сақлаш учун сўрувчи шамоллатиш тизими билан жиҳозланган маҳсус бино ажратилиши лозим.

Намуналарни бино ташқарисига ўрнатилган табиий шамоллатилувчи металл кутиларда сақлаш мумкин.

267. Кимёвий модда солинган ҳар бир идишга маҳсулот номи ёзилган этикетка ёпиштирилиши лозим.

268. Тажовузкор (реактив) суюқликлар шиша идишларга солиниб, улар маҳкам ва зич қилиб беркитилиши, солинган модданинг номи ва концентрацияси ёзилган биркалар боғлаб қўйилиши керак. Мазкур шиша идишларнинг оғзини беркитмай ташиш тақиқланади.

269. Тажовузкор (реактив) суюқлик солинган идишни қўлда ёки елкада ташиш мумкин эмас. Бунда тажовузкор (реактив) суюқлик солинган идишни механизациялашган мосламалардан фойдаланган ҳолда маҳсус замбиллар ёки қўш қават тагликли корзиналарда икки киши бўлиб ташилиши лозим.

270. Тажовузкор (реактив) суюқлик солинган идишларни ўтиш жойлари ва кўпчилик йигиладиган жойларда қаровсиз қолдириш тақиқланади.

271. Тажовузкор (реактив) суюқликларни бир идишдан бошқасига куйишида ёки майда идишларга куйишида четлари қайриб қўйилган ва ҳаво чиқарувчи найчаси бор маҳсус хавфсиз воронкалардан фойдаланиш керак.

272. Кислоталарни куйиш, ишқорларни эритиш ҳамда уларни қўллаш жойлари маҳаллий сўрувчи шамоллатиш тизими, тоза латта, сочиқ, қўл ювиш учун шлангли сув жўмраги ва кўзни ювиш учун сув фаввораси (фонтанча) билан жиҳозланиши лозим.

273. Фойдаланилган нефть маҳсулоти қолдиги, тажовузкор (реактив) суюқликлар ва заҳарли моддалар маҳсус металл идишга қўйилиши ва иш охирида лабораториядан ташқарига чиқариб ташланиши зарур. Мазкур суюқликларни раковиналар ва майший оқова тизимига тўкиш тақиқланади.

274. Ўта зарарли ва заҳарли моддалар билан иш олиб борилаётган биноларнинг шамоллатиш тизими алоҳида ва бошқа хоналарнинг шамоллатиш тизимига уланмаган бўлиши керак.

275. Бензин, эфир ёки бошқа ёнгин хавфи мавжуд бўлган моддалар ерга тўқилганда ҳамда газ ҳиди сезилганда, барча горелкаларни ўчириш ва газ чиқаётган манбани топиш ҳамда носозликни бартараф этиш зарур. Бунда электр асбоблардан фойдаланиш тақиқланади.

276. Лаборатория идишларини ювиш жойи ишчи хоналардан бошқа бўлиб, ёнмайдиган яхлит тўсиқ билан ажратилиши ва алоҳида чиқиш эшигига эга бўлиши зарур.

277. Ювиш хонасига киришда, унинг ёнгин ва портлаш хавфлилиги даражаси бўйича тоифасини кўрсатувчи ва тамаки маҳсулотлари истеъмол қилинишини тақиқловчи хавфсизлик белгилари мавжуд бўлиши керак.

278. Ювиш хонасидаги идиш ювиш жойи эритмалар сақланадиган жойидан алоҳида ҳамда маҳаллий сўрувчи шамоллатиш ва умумий оқимли-сўрувчи шамоллатиш тизими билан жиҳозланган бўлиши лозим.

279. Ювиш жойига ўткир кислоталар, ишқорлар ва захарли моддалар ишлатилган идишлар топширилишидан олдин тўлиқ бўшатилиши ва нейтраллаштирилиши зарур.

280. Сульфат кислотаси концентрациясини пасайтириш учун кислотани майдага порциялар билан сувга қуиши керак.

281. Каустик соданинг унча катта бўлмаган эритмасини тайёрлаш учун идишга олдин сув қуиб, сўнгра унга каустик сода бўлакларини солиниши ва тўлиқ эригунча аралаштириб турилиши зарур.

282. Каустик сода эритмасини кўлда синмайдиган, беркитиладиган идишда ёки маҳсус катақчаларга жойлаштирилган, тагига юмшоқ материалдан таглик қўйилган шиша идишларда ташиш мумкин.

283. Хлорли оҳак ва оҳакли эритмани ташиш, майдалаш ва тарозида тортишда ходимларга халат, респиратор, ҳимоя қўзойнаклари, газниқоб ва кўлқоплар берилиши керак.

284. Захарли моддаларни лаборатория раҳбарининг рухсатисиз беришга рухсат этилмайди.

285. Ўювчи моддалар инсон танасига текканда, зудлик билан жарохатланган жой кучли сув оқими билан ювилиши керак.

286. Озиқ-овқат маҳсулотлари маҳсус ажратилган жойларда истеъмол килиниши зарур. Тажовузкор (реактив) моддалар билан иш бажариладиган хоналарда озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилишга йўл қўйилмайди. Озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилишдан олдин кўллар ювилиб, маҳсус кийим ечиб қўйилиши лозим.

287. Тўкилган кислота устига қум сепилиб, кислота шимилган қум курак билан тозаланиб, ўрнига сода ёки оҳак тўкилиб, сув билан ювилади ва куруқ латта билан артилади.

288. Ўювчи моддалар, кислоталар, ишқорлар билан ишлашдан олдин кран очилиб, сув оқизиб қўйилиши ёки сув захирасига эга бўлиши лозим.

289. Ичидаги босим ёки вакуум ҳосил бўлиши мумкин бўлган шиша идишлар филоф билан ўралган бўлиши керак.

290. Шиша таёқча ва найчаларни синдиришда ҳамда улар учига резина найчаларни кийдиришда сочиқдан фойдаланиб ишлаш керак. Бунда шиша найчалар ва таёқчаларнинг учини оловда эритиб олиш зарур.

291. Шиша найчаларни тикин ичига киритишда, найчани тикин ичига кирадиган томонига яқин жойдан ушлаш керак. Найча тикинга киришини осонлаштириш учун тикиндаги тешикни сув ёки глицерин билан хўллаш лозим.

292. Лабораториянинг бино ва хоналарида чекиш, очик оловдан фойдаланиш, полни бензин ёки керосин билан ювиш, коржома, латталарни иситиш конструкциялари устида қуритиш, буғли иситиш қувурлари устида тез алангаланадиган нефть маҳсулотлари билан ишлаш, тўкилган нефть маҳсулотини йигишириб олмай қолдириш, ёнувчи суюқликларни раковина ва ювиниш жойларига тўкиш тақиқланади.

293. Иш столлари, шкафлар, дераза токчаларини нефть маҳсулоти солинган идишлар билан тўлдириб ташламаслик керак.

294. Ёғ-мой артилган латталар, қипик ва бошқа шунга ўхшаш материаллар қопқоқли темир қутиларга тўпланиб, иш якунида маҳсус ажратилган жойга чиқариб ташланади.

295. Олов билан боғлик ишларни бажаришда лабораторияда камидаги икки киши бўлиши керак.

296. Оловли ишларни бажарадиган иш столи юзаси тунука, кафель ёки линолиум билан қопланиши, иситувчи асбоб тагига асбестнинг қалин листи қўйилиши лозим. Тез алангаланадиган суюқликларни бевосита аланга устидаги қиздириш тақиқланади.

297. Тез алангаланувчи хавфли моддаларни оловли ишларни бажарилаетган бинода бир идишдан бошқасига қўйиш, ёнувчи материалларни горелкалар ва бошқа иситиш асбоблари ёнида сақлаш мумкин эмас.

298. Этилланган маҳсулотларни таҳлил қилиш билан банд бўлган ходимларнинг иш кийимлари дегазация қилиниши ва ҳар ойда камидаги марта ювилиши керак.

299. Дегазация камераси бўлмаганда, иш кийимлари керосинга ботирилиб икки соат ушлаб турилиб, сиқиб ташланиши ва сувда қайнатилиб, иссиқ сув билан яхшилаб ювилиши ва шундан кейин умумий ювиш жойига топширилиши лозим.

300. Этилланган бензинни ёндиргичларнинг ёқилғиси сифатида ёки лаборатория ишларида эритгич сифатида ишлатишга, кўл ва лаборатория идишларини ювишга рухсат этилмайди.

301. Симобли асбоблар ва бошқа таркибида симоб бўлган ускуналардан СанҚвам 0247-08 «Симоб билан ва симоб солинган асбоблар билан ишлашга мўлжалланган ишлаб чиқариш ва лаборатория хоналарини лойиҳалаш, барпо этиш, фойдаланишга доир санитария коидалари»га мувофиқ фойдаланиш лозим.

302. Лаборатория биноси синган термометрлар, манометрлар ва бошқа асбоблардаги симобнинг тўкилиши туфайли ифлосланганда, симоб томчилари (зарра) яхшилаб йиғиб олиниши зарур. Майдага томчилар хўлланган фильтрлаш қофози ёки газета воситасида ҳамда мис ёки оқ тунукадан ясалган пластиналар ва амалгамация қилинган мўйқалам ёрдамида йиғилади.

303. Қофозга ёки мўйқаламга ёпишган симоб зарралари сувли идишга силкитиб туширилиши керак. Турли тирқишлиар, ёриқлар ва бўшлиқларга кириб қолган симобни фақат кимёвий усулда (демеркуризациялаш) тозалаш мумкин.

Демеркуризация хлорли темирнинг 20 фоиз сувли эритмаси билан заррланган юзани хўллаб чиқиб, бир суткага қолдириш ёки юзани дихлораминнинг тўрт хлорли углероддаги 5 фоиз эритмаси билан 10 соатга хўллаб қўйиш ва қўшимча равишда натрий полисульфидининг 5 фоиз эритмаси билан ювилган ҳолда амалга оширилади.

304. Юза тозалагандан кейин бир неча марта совунли, тоза сув билан ювилиши лозим. Демеркуризатор темирнинг хлорли эритмасини бўялган юзаларга ишлов беришда ҳам қўлланиши мумкин.

305. Тўкилган симобни йифишида ишлатилган чўткалар, челаклар, латталарга маҳсус усул билан ишлов берилиши ва заарасизлантирилиши керак.

306. Лаборатория биносида, тоза ва қуруқ қум, қум учун қурак, кигиз ёки асбест матоси ва ўт ўчиригичлар каби бирламчи воситалар бўлиши керак. Алангаланиб кетган нефть маҳсулотларини сув билан ўчириш мумкин эмас.

Ёнгин ўчиришнинг бирламчи воситалари бинога кириш жойига ўрнатилиши лозим.

307. Сўрувчи шкафларда аланга содир бўлганда, шамоллатиш тизими дарҳол тўхтатилиши, электр иситиш асбоблари манбадан ажратилиши ёки ёнаётган газ горелкаси ўчирилиши ва алангани бартараф этиш чоралари кўлланиши лозим.

Ёнгин рўй берганда ёнгин хавфсизлиги бўлимига хабар берилиши зарур.

308. Лаборатория биносида бегона шахсларнинг бўлиши тақиқланади.

### **8-§. Қозонхонага қўйиладиган хавфсизлик талаблари**

309. Қозонхонанинг иситиш ва шамоллатиш тизими ҚМҚ 2.04.05-97 «Иситиш, шамоллатиш ва кондиционерлаш» талабларига мувофиқ бўлиши шарт.

310. Қозонхона қурилмаси қисмларини кўрикдан ўтказиш, тартибга солиш, созлаш пайтида фойдаланиладиган ечиб олинадиган ускуналарини жипс ўрнатиш учун уларга бўёқ ёки лак суртишга рухсат этилмайди.

311. Қозонхона биносидаги биринчи қават полининг баландлиги бино атрофидаги худуд баландлигидан паст бўлмаслиги керак.

312. Қозонхонадан чиқадиган эшиклар ташқарига очилиши лозим. Эшикларда ичкаридан беркитиладиган мослама бўлмаслиги керак. Қозонхонадан чиқадиган эшиклар қозонлар ишлаб турганда беркитилмаслиги зарур.

313. Қозонхона қурилмасининг конструкцияси уни монтаж қилишда, синаш ва таъмирлашда ҳамда хизмат муддати давомида ишлатишда хавфсизликни таъминлаши лозим. Тўсиқларнинг филоф ва эшикларида уларни ишончли берк ҳолатда туришини таъминлайдиган мосламалар бўлиши шарт.

314. Қозондаги сувнинг сатхини кўрсатувчи ускуна ясси, силлиқ ёки кўтириш шаффоф шиша пластинкадан иборат бўлиб, камида 8 мм ли кўриш тирқишига эга бўлиши зарур.

315. Мазкур тўғри харакатланувчи кўрсатиш мосламаси кўпи билан 2 м баландликда, олд томонга кўпи билан 30° қия қилиб, тик ҳолатда ўрнатилиши лозим.

316. Қозонга умумий буф ўтказиш қобилияти қозоннинг бир соатлик унумдорлигидан паст бўлмаган камида иккита буф сақлагич клапанлар ўрнатилган бўлиши керак.

317. Сақлагич клапанлари хизмат кўрсатувчи ходимлар тегиб кетишидан ҳимояловчи тўсиқларга (филоф) эга бўлиши лозим.

318. Қозон ўрнатилган бинода тез алангаланадиган ёқилғи солинган

идишлар ҳамда ёнувчи мойлаш материалларининг захирасини сақлашга йўл қўйилмайди.

319. Суюқ ёқилгини ёндиришда форсункалардан томадиган ёқилгини қозонхона полига тушишига йўл қўймаслик керак.

320. Суюқ ёқилги келадиган ўтказгич қувурларига, зарур ҳолларда қозонларга боришини тўхтатадиган, беркитиш жўмраклари ўрнатилиши зарур.

321. Қозонхонада соат, фавқулодда вазиятлар учун овозли сигнализация тизими ва ташкилот раҳбарияти ҳамда буғ истеъмолчилари билан алоқа ўрнатиш учун алоқа воситалари бўлиши зарур.

322. Ходимга қозон ичida ишлаш учун наряд-рухсатнома қозон ичидаги ҳарорат  $60^{\circ}$  С дан ортиқ бўлмаганда берилиб, ушбу наряд-рухсатнома белгиланган тартибда расмийлаштирилган бўлиши шарт.

323. Газ юриш йўлларида ишлашга ундаги ҳарорат  $60^{\circ}$  С дан ортиқ бўлмаганда рухсат берилади. Иш бошлашдан олдин мазкур жойлар шамоллатилиши, ишлаб турган қозонлардан газ ва чанглар кирмайдиган қилиб заслонкалар зичланиб қулфлаб қўйилиши ҳамда вақтинчалик гишт девор билан ажратиб қўйилиши керак.

Газ юриш йўлларидағи ҳарорат  $50 - 60^{\circ}$  С бўлганда, ходимлар унинг ичida 20 дақиқадан ортиқ бўлмаслиги керак.

324. Зулфинлар орқали узиб қўйилган ўтказгич қувурлари, буғ ўтказгичлари ва газ ўтказгичлари участкаларида ҳамда қозон қурилмасининг газ юриш йўлларини ажратилган қисмида ишлар олиб борилаётганда, уларнинг тегишли зулфинларига ва қопқоқларига ҳамда тутун сўргични, ҳаво ҳайдовчи шамоллатгични ва ёқилги таъминлагични ишга тушириш қурилмаларига «Уламанг, одамлар ишламоқда!» деган плакат осиб қўйиш лозим.

325. Қозонхона биносида қозон қурилмаси ва экономайзерларига хизмат кўрсатишга, қозонхона ускуналарини таъмирлашга ёки буғ ва иссиқ сув олиш технологиясига бевосита алоқаси бўлмаган машина ва асбобларни ўрнатиш тақиқланади.

326. Қозонлар ишлаб турганда қўйидагилар тақиқланади:

ўчоқда ёниш жараёни тугаб, босим атмосфера босими даражасига тушмагунча қозонни қаровсиз қолдириш;

қозоннинг босим остидаги элементларида таъмирлаш ишларини ўтказиш;

навбатчиликда турган машинистга (ўт ёкувчи) унинг ишлаб чиқариш ўйриқномасида кўзда тутилмаган ишни бажаришни топшириш.

327. Арматураси, таъминот асбоблари, автоматикаси, ёнфинни ўчириш воситалари ва сигнализацияси носоз қозонларни ишга тушириш ва ишлашиб тақиқланади.

328. Қозон ишини аварияли тўхтатишда хавфсизликни таъминлаш учун қўйидаги чора-тадбирлар қўлланиши зарур:

ёқилги ва ҳаво келишини тўхтатиб, тутун йўлини тортиш кучини тезда сустлаштириш;

зудлик билан ўчоқдаги ёқилгини олиб ташлаш;

ўчокда ўт ёниши тўхтагандан кейин тутун заслонкасини, қўл билан ёкиш ўчоқларида эса, унинг эшикчаларини бироз вақтга очиб қўйиш;

сақлагич клапанларини сал кўтариб қўйиш ёки авария жўмраги орқали буғларни чиқариш.

329. Қозонинг ишлаши тўхтатилганда, зудлик билан ўчоққа ёқилғи ва хаво беришни тўхтатиш, мўрилар ва шамоллатгичларни беркитиш орқали тутун сўрилишини тўхтатиш ҳамда барча хаво ва газ заслонкаларини беркитиш зарур.

330. Қозонхонада ёнгин содир бўлганда, ёнгиндан сақлаш хизматини тезда чақириб, қозон ҳолатининг назоратини давом эттириш ва ёнгинни ўчириш тадбирларини қўллаш лозим.

Қозонхонада ёнгин рўй берганда, қозонхона биносининг ташқарисидаги зулфин ёрдамида газ келиши тўхтатилиши керак. Ёнгин қозонларга хавф солаётган бўлса ва уни ўчиришнинг иложи бўлмаса, қозонларни авария тартибида тезда тўхтатиш, унга сув юбориб, ичидаги буғни атмосферага (бино ташқариси) чиқариб юбориш лозим.

331. Қозонхоналарда ускуналар, арматуралар, назорат ва созлаш асбобларини жорий таъмирлаш учун таъмирлаш участкаси ёки хонаси ажратилиши керак.

332. Қозонларга ва қозонхона қурилмаси ишига бевосита алоқаси бўлмаган шахсларни қозонхонага кириши мумкин эмас.

#### **9-§. Нефть базаларида механика устахонасига қўйиладиган хавфсизлик талаблари**

333. Металлга уни кесиш орқали ишлов бериладиган механика устахонаси биноларида мойловчи-совутувчи суюқликларни ҳаво атмосферасига тозалаб чиқариб ташлайдиган, заарсизлантириш ўтказмаси ёки паналагичига эга бўлган маҳаллий сўрувчи мосламалар ўрнатилиши керак.

334. Механика устахонасининг поли текис, сирпанмайдиган, бўсағасиз бўлиши лозим.

335. Механика устахонасидаги ўтиш, юриш жойлари ва қудуқлар люклари материаллар, ярим тайёр деталлар, чиқинди ва идишлар билан тўсиб қўйилмаслиги, бўш туриши таъминланиши зарур. Дастроҳларни кудук люклари устига ўрнатиш тақиқланади.

Алоҳида механизмлар ва механизмлар билан дастроҳлар оралиғи камида 1 м, ходимлар ўтадиган жойларнинг эни камида 0,75 м бўлиши керак.

336. Механика устахонасида созлагичлар, материаллар, ярим фабрикатлар, тайёр деталлар ва ишлаб чиқариш чиқиндиларини сақлаш жавонлари, идишлари, столлари ва бошқа ускуналарининг жойлаштирилиши учун майдончалар бўлиши зарур.

Ҳар бир иш жойида дастгоҳ ёнида иш жойининг поли бўйлаб, дастгоҳлардан камида 0,6 м нарига ёғоч тўшама ўрнатилиши керак.

## 10-§. Автоёқилғи қўйиш шохобчалари технологик ускуналарига қўйиладиган хавфсизлик талаблари

337. Автоёқилғи қўйиш шохобчаларидаги технологик ускуналар ишга яроқли ҳолатда бўлиши шарт.

338. Технологик ускуналар герметик бўлиши лозим. Ёқилғи қўйиш устунларида автоёқилғи сизиб (оқиб) чиқиши намоён бўлганда, уларни ишлатиш тақиқланади. Сизиб (оқиб) чиқиши ҳолатлари сезилганда, дарҳол носозликни бартараф этиш чораларини қўллаш лозим.

Носоз ускуналарда технологик операцияларни бажариш ҳамда уларга автоёқилғи қўйиш шохобчаларидаги ёнгин хавфсизлиги даражасини оширишга сабаб бўладиган конструктив ўзгартиришлар киритиш тақиқланади.

339. Автоёқилғи ва унинг буғларини атмосферадан ажратиб турувчи қопқоқлар ва фланецлар, патрубкалар, штуцерлар тиқинларининг арматурага тегиб турадиган жойларига нефть маҳсулотига ва атроф-мухитга чидамли материалдан ясалган учқун чиқармайдиган қистирмалар қўйилиши ва зичлаб ёпилиши шарт. Мазкур қопқоқлар ва тиқинлар автоёқилғи қўйиш шохобчаларидан фойдаланиш пайтида очилиши назарда тутилган бўлса, улар учқун чиқармайдиган қилиб ясалган бўлиши лозим.

340. Технологик қурилмалар технологик жараёндаги хавфсизликни таъминловчи ишга яроқли ҳамда назорат, ҳимоя ва тартибловчи тизимларга эга бўлиши керак.

341. Автоёқилғи қўйиш шохобчаларидаги резервуарларнинг тўкувчи жўмрагига уланадиган мосламалар ва автоцистерна шлангининг учлари цистернага урилганда, учқун чиқишига йўл қўймайдиган материалдан ясалиши ва ерга туташтирилиши лозим.

342. Автоёқилғи қўйиш шохобчалари худудидаги резервуарлар люкларининг қопқоқларини очиб-ёпганда учқун чиқишига йўл қўймайдиган материалдан ясалган қистирмалар билан жиҳозланган бўлиши шарт.

343. Автоёқилғи қўйиш шохобчалари биносида вақтинчалик электр ўтказгичлар, электр плиталар, рефлекторлар ва бошқа очиқ иситувчи элементли электр асбобларидан ҳамда ясама электр иситиш ускуналаридан фойдаланиш тақиқланади.

344. Автоёқилғи қўйиш шохобчалари ёнфинга қарши ускуналар ва ёнгинни ўчиришнинг бирламчи воситалари билан жиҳозланиши лозим. Автоёқилғи қўйиш шохобчаларидан ёнаётган транспорт воситаларини тезкор эвакуация қилиш учун узунлиги камида 3 м келадиган қаттиқ шатак штангалари бўлиши керак.

345. Ҳар бир автоёқилғи қўйиш шохобчаларида тез тиббий ёрдам бериш учун зарур дори воситалари билан таъминланган дори қутичалари бўлиши лозим.

## **11-§. Электр қурилмалари ва электр ускуналарига кўйиладиган хавфсизлик талаблари**

346. Электртехник қурилмалар ва ишлаб чиқариш ускуналари сифатида фойдаланиладиган қурилмалар ҚМК 3.05.06-97 «Электр техник қурилма» ва ГОСТ 12.2.007.0-75 «Электр техник маҳсулотлар. Хавфсизликка доир умумий талаблар» талабларига мувофиқ бўлиши лозим.

347. Бинолар ва иншоотлар ёки уларнинг айрим қисмлари вазифаси, мазкур ҳудуддаги момақалдириқнинг жадаллиги ҳамда йил давомида яшин уришини эҳтимолий микдорини инобатга олиб, яшиндан химояловчи қурилмалар тоифаси ва химоя ҳудудининг тури бўйича муҳофазаланган бўлиши керак.

348. Ускуналардан нефть, газконденсат ва нефть маҳсулотларидан ҳамда инсон танасидан хавфли учқунли рязрядлар чиқишининг олдини олиш максадида пайдо бўйиладиган электр статик зарядларининг оқиб чиқиб кетишини таъминловчи тадбирларни қўллаш лозим.

### **5-боб. Таъмирлаш ишлари жараёнидаги хавфсизлик талаблари**

#### **1-§. Хавфсизликка доир умумий талаблар**

349. Аварияларни бартараф этиш ишларининг ўтказилиши аварияни бартараф этиш режаси, нефть маҳсулоти ўтказгичларда авария-тиклаш ишларини ташкил қилиш ва ўтказиш талабларига мос равишда амалга оширилиши лозим.

350. Таъмирлаш ишларига маҳсус тайёргарликдан ўтган ва имтиҳон топширган, гувоҳнома олган ҳамда мустақил ишлашига рухсат этилган мутахассислар жалб этилади.

351. Ишлаб турган обьектларни таъмирлаш учун таъмирлаш ишлари регламентида кўрсатилган муддатларда ҳаво мухитидаги нефть маҳсулоти буғлари микдорини назоратдан ўтказиш зарур. Агар таъмирлаш пайтида нефть маҳсулотлари буғлари тегишли концентрациядан ортиқ бўлса, дарҳол ишни тўхтатиб, одамларни хавфли ҳудуддан олиб чиқиш керак.

352. Газпайвандлашни қўллаб таъмирлаш ишлари тугаганидан кейин, иш жойини яхшилаб текшириш, металл парчалари, куйиндилар ёки тутаб турган предметлардан тозалаш, зарур ҳолларда сув сепиб ўчириш лозим.

### **2-§. Кўйиш-тўкиш қурилмаларидаги таъмирлаш ишларига кўйиладиган талаблар**

353. Кўйиш-тўкиш қурилмаларидаги технологик ускуналар герметиклигининг бузилиши ҳамда ёнгин ва портлаш хавфи бор зарарли омиллар ажralиб чиқиши билан боғлиқ таъмирлаш ишларини ўтказиш учун наряд-руҳсатнома расмийлаштирилади.

354. Оловли ишлар билан боғлиқ таъмирлаш ишларини қўйиш-тўкиш операциялари ўтказилаётган ердан камидаги 100 м нарида амалга ошириш лозим.

355. Технологик ускуналар ва цистерналарни эстакада худудида таъмирлаш тақиқланади.

356. Қўйиш-тўкиш қурилмасида оловли ишларни бошлашдан олдин қўйидагиларни бажариш зарур:

қўйиш-тўкиш қурилмаси жойлашган майдончани, тўкиш тарновларини, оқова лотокларини нефть маҳсулоти қолдиқларидан тозалаш;

қўйиш-тўкиш қурилмалари ва ўтказгич қувурларни узиб қўйиш ва нефть маҳсулотларидан бўшатиш;

оловли ишлар ўтказиладиган жойдан камидаги кузатиш қудуклари, оқова тизимида гидравлик беркитгичлар, бўш резервуарларнинг қопқоқларини яхшилаб ёпиб, устига 10 см қалинликдаги кум тўкиб қўйиш.

357. Таъмирлаш ишларини ўтказишдан олдин зулфинлар камераларини ва қудукларни обдан шамоллатиш, улардаги нефть маҳсулоти қолдиқларидаги ювиб, саноат оқова тизими томонга йўналтириш, полни сув билан тозалаш керак.

### **3-§. Резервуарларни таъмирлаш ишларидағи хавфсизлик талаблари**

358. Резервуарни таъмирлаганда оғир вазнли юклар ва пўлат металл листварни (варақ) кўтариш учун механик мосламалар қўлланиши лозим. Мазкур мосламалар ишончли тормоз қурилмасига эга бўлиши керак.

359. Резервуарнинг корпусидаги асосий металлда ёки пайванд чокларидаги дарзликлар намоён бўлганда, резервуар дарҳол нефть маҳсулотидан бўшатилиб, таъмирлашга топширилиши зарур. Нефть маҳсулоти билан тўлдирилган резервуардаги дарзлик ёки бўртиб чиқсан жойларни уриб текислаш ҳамда пайвандлаш тақиқланади.

360. Резервуар юкори ҳалқа майдончасида туриб, унинг сузувчи томи кўрикдан ўтказилади. Кўрик пайтида сузувчи том ҳолатининг горизонталлиги, томнинг марказий қисмидаги маҳсулот, қишида том устида кор йўқлиги, ҳалқасимон зичловчи затворнинг (беркитгич) химояловчи шчитларини ҳамда сув тушириш тизими зулфинининг ҳолатлари текширилади.

### **4-§. Насос қурилмалари ва технологик ўтказгич қувурларини таъмирлашда хавфсизлик талаблари**

361. Насос агрегатини таъмирлашга чиқарилганда, унинг сўрувчи-ҳайдовчи ўтказгич қувурларини беркитиб, бошқарув шчитига «Уламанг, одамлар ишламоқда!» деган ёзув осиб қўйилиши лозим ва бу ҳақда тегишли журналга қайд этилиши ҳамда таъмирлашга чиқарилган сана ёзиб қўйилиши лозим.

362. Ишлаб турган насос агрегатларини ва ўтказгич қувурларни таъмирлашга рухсат этилмайди.

363. Насос агрегатларини таъмирлашда ажратилган қисмлари учун токчалар тайёрлаб қўйилиши зарур.

364. Автоматлаштирилган насосхоналарнинг сўрувчи-ҳайдовчи ўтказгич қувурларидаги автоматика воситаси ишламай қолиши туфайли насослар иши тўхтаб қолганда, зулфинлар дарҳол беркитилиши лозим.

365. Ичини очиш шарт бўлмаган шароитда қисқа вакътида таъмирлаш ўтказилганда, насос иши тўхтатилиб, у ишлаб турган ўтказгич қувурлардан зулфинлар воситасида ажратилиши, тақиқловчи ёзув осиб қўйилиши ҳамда зулфинларнинг тўсатдан очилиб кетишининг олдини олувчи чоралар қўллалиши зарур.

366. Насоснинг ичини очиш вакътида тўкилган нефть маҳсулотлари тезда йиғишириб олиниши ва тўкилган жойга қум сепилиши ёки шланг орқали сув билан ювилиши керак.

367. Заҳарли, ёнувчи ва тез алангаланадиган суюқликларни хайдашга мўлжалланган насосларни таъмирлаш учун қисмларга ажратиш ва йиғиши жараёнлари хавфсиз ишлашини таъминловчи маҳсус асбоблар ва мосламалар билан жиҳозлаш лозим.

### **5-§. Назорат-ўлчов асбоблари ва автоматика воситаларини таъмирлашда хавфсизлик талаблари**

368. Назорат-ўлчов асбоблари ва автоматика (бундан буён матнда НЎА ва А деб юритилади) воситаларини таъмирлаш ушбу асбоб ва воситаларни ишлатувчи ташкилот ёки ихтисослаштирилган ташкилот ходимлари томонидан амалга оширилади.

369. НЎА ва А воситаларининг бино ичига кирган, чиқсан ёки тамбур ва коридор деворлари орқали ўтган кабеллари доимо соз ҳолатда бўлиши керак.

370. НЎА ва А воситаларини монтаж, демонтаж қилиш ва таъмирлаш уларни технологик, импульси тармоқлардан ажратган ва электр кучланишини узуб қўйган ҳолда амалга оширилиши лозим.

371. Ёнгин ва портлаш хавфи бўлган биноларнинг бевосита ўзида НЎА ва А воситаларини таъмирлашни пайвандлаш, кавшарлаш, бошқа очик олов ва юкори харорат қўлламасдан ўтказиш мумкин.

372. НЎА ва А воситаларини таъмирлаш ишларида қўлланиладиган, ёнгин ва портлаш хавфи мавжуд бўлган ҳудудлардаги очик ҳолда (конструкциялар, деворлар, шифтлар, каналлар ва тоннелларда) ётқизилган (жойлаштирилган) кабелларнинг устки қопламаси ёнувчи материаллардан (каноп, битум, пахта-қофозли ўрамлар) бўлмаслиги лозим.

373. Ёнгин ва портлаш хавфи мавжуд бўлган ҳудудга жойлаштирилган, кучланиши 1 kW дан ортиқ бўлган кабелларнинг узунлиги имкон даражасида қисқартилиши зарур.

374. Ёнгин ва портлаш хавфи мавжуд бўлган ҳудудларда таъмирлаш

ишлари олиб борилганда, уловчи ва тақсимловчи кабель муфталарининг қўлланилиши тақиқланади.

**6-боб. Фавқулодда вазиятларда хавфсиз ишлашга қўйиладиган талаблар**

375. Шамолнинг тезлиги 12,5 м/с бўлганда минорали, чорпоя (козлової) ва бошқа кранлар ёрдамида идишларга солинган нефть маҳсулотлари ни юклаш-тушириш тақиқланади.

376. Ташкилотларда эҳтимол тутилган аварияларни бартараф этиш режаси ишлаб чиқилиши лозим. Унда мавжуд шароитларни ҳисобга олган ҳолда аварияларнинг олдини олиш ва авария вазиятларини бартараф этиш, авария содир бўлганда эса, унинг оқибатларини чегаралаш ва енгиллаштириш, алангаланиш ва портлашнинг олдини олиш, аварияни бартараф этишда банд бўлмаган одамларни эвакуация қилиш юзасидан ходимларнинг тезкор вазифалари назарда тутилиши керак.

**7-боб. Мехнат муҳофазаси қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик**

377. Мазкур Қоидаларга амал қилиш учун жавобгарлик тегишли ишларни бажарувчи ташкилотлар зиммасига юклатилади.

378. Мансабдор шахслар ва ходимлар меҳнатни муҳофaza қилиш қоидаларига риоя қилмаганларни учун қонун хужжатларига мувофиқ белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

**8-боб. Якуний қоида**

379. Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофaza қилиш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Давлат табиатни муҳофaza қилиш қўмитаси, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги, Темир ўйларда юк ва ўйловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси, Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва «Ўзбекнефтегаз» миллий холдинг компанияси билан келишилган.

*Ички ишлар вазири*

*A. АХМЕДБАЕВ*

*2014 йил 16 апрель*

*Меҳнат ва аҳолини ижтимоий  
муҳофaza қилиш вазири*

*A. ХАИТОВ*

*2014 йил 16 апрель*

**236-модда**

**— 148 —**

**20 (624)-сон**

*Соғлиқни сақлаш вазири*

*A. АЛИМОВ*

*2014 йил 16 апрель*

*Фавқулодда вазиятлар вазири*

*T. ХУДАЙБЕРГЕНОВ*

*2014 йил 16 апрель*

*«Давархитектқурилиши»  
құмитаси раиси*

*B. ЗОКИРОВ*

*2014 йил 16 апрель*

*Табиатни мұҳофаза қилиш  
давлат құмитасининг раиси*

*B. АБДУСАМАТОВ*

*2014 йил 16 апрель*

*«Ўзстандарт» агентлиги  
бош директори*

*A. КУРБАНОВ*

*2014 йил 16 апрель*

*«Ўздавтемирийўлназорат»  
инспекциясининг бошлиғи*

*P. ИКРАМОВ*

*2014 йил 16 апрель*

*«Ўздавәнергоназорат»  
инспекцияси бошлиғи*

*A. НИМАТУЛЛАЕВ*

*2014 йил 16 апрель*

*Ўзбекистон Касаба уюшмалари  
Федерацияси Кенгашы раиси*

*T. НАРБАЕВА*

*2014 йил 16 апрель*

*«Ўзбекнефтегаз» МХК  
бошқарув раиси*

*Ш. ФАЙЗУЛЛАЕВ*

*2014 йил 16 апрель*